Миллий кутубхона ахборот-таҳлил ва тезкор ахборотлар институти

«ГАСТАРБАЙТЕР»ЛАР

“Болаларимнинг тўйида “вес” қишлоқни ароққа тўйдираман, деб ният қилгандим, - дейди у қониқиш билан. - Гапимнинг устидан чиқдим. Қовчинлик Эштемирдан қаерим кам менинг!” Мана, унинг ўта жайдари ва... бемаъни фалсафаси. Боласини ўқитиш ўз йўлига, лекин у Эштемирдан афзаллигини исботлаши муҳим! Тўйдан сўнг йўл пулига ошна-оғайнилардан қарз кўтариб, яна Россияга жўнади.

2 -бет

ЭНЕРГЕТИКА БОЗОРИ

XIX асрнинг асосий саноат манбаи кўмир бўлган бўлса, XX асрда унинг ўрнига нефть мустаҳкам ўрнашиб олди ва саноатнинг “қони”га айланиб улгурган ёқилғи “қора олтин” даражасига кўтарилди. Кўпчилик олимларнинг фикрига кўра, XXI асрда табиий газнинг инсоният ҳаётидаги роли ошади. Халқаро газ агентлиги маълумотларига таяниб айтадиган бўлсак, 2050 йилда дунё энергетика балансида “зангори олов”нинг улуши 30%ни ташкил этади.

3 -бет

САҲНА ВА ТОМОШАБИН

Кинозалларни тўлдириб ўтирган томошабинларга қараб, фильм инсонлар кўнглидан жой оляпти, деб баҳолашади. Ўйлайманки, асарнинг ичига кириб кетган ҳақиқий томошабин фақат ундан мириқиб лаззат олади. “Поп Корн”дан эмас. Ҳақиқий томошабиннинг дарди қаҳрамон дарди билан бир бўлади, “Хот Дог” билан эмас. Қисқаси, бутун борлиқни унутиб томоша қилувчи инсон, ҳеч бўлмаса буфет билан томоша жойини фарқлай олиши керак.

4 -бет

Mustaqil gazeta HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan E-mail: hurriyat@yandex.ru № 15 (477) 2006-yil 19-aprel

«HURRIYAT»га 2006 йил учун обуна йил бўйи давом этади

Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!

Нашр кўрсаткичи — 233

ЎзЭОАВМАда

АЪЗОЛАР САФИ КЕНГАЙДИ

янги аъзолар, янги лойиҳалар...

Газетамизнинг аввалги сонларида хабар қилганимиздек, гарчи Ўзбекистон Электрон Оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (ЎзЭОАВМА)нинг ташкил этилганига эндигина икки йил тўлган бўлса-да, у ана шу қисқа муддат ичида ҳар жиҳатдан ўзини кўрсата олди. Бугун ЎзЭОАВМАни кўпчилик танийди, марказдан ташқари узоқ туман ва вилоятлардаги нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари уни ўзининг яқин ҳамкори, кўмакчиси, қолаверса, рағбатлантирувчи сифатида тан олади. ЎзЭОАВМА бугунги кунда юздан зиёд нодавлат электрон ОАВ ва кабел студияларини “бошини қовуштирди” деб бемалол айтиш мумкин. Нафақат “бошини қовуштирди”, балки уларга амалий, моддий ва техник кўмак ҳам кўрсата олди, сифатли кўрсатув, эшитттиришлар тайёрлаш ва уларни истеъмолчига сифатли, замонавий техника воситалари ёрдамида узатиш йўл-йўриқларини кўрсатди, аксариятини ана шундай техника воситалари билан таъминланишида ҳам бевосита кўмак берди.

Очиқ гап, кўпчиликда нодавлат ТВ ёки радио дейилганда бугунги ижтисоий-сиёсий воқеликдан ҳийла узоқ, фақат мусиқа ва кўнгилочар кўрсатув ва эшиттириш тайёрлайдиган ОАВ деб тушунилади. Эътироф этиш керак, ЎзЭОАВМА ташкил этилганидан кейин улар тайёрлайдиган кўрсатув ва эшиттиришлар ҳам сифат, ҳам мазмун жиҳатидан ўзгарди ва ўзгармоқда. Бугунги кунда улар томонидан тайёрланаётган курсатувлар ва узатилаётган эшиттиришлардан мамлакатимизнинг қарийб 20 миллионга яқин алоҳиси баҳраманд бўлаётгани ҳол кўп нарсани англатади.

ЎзЭОАВМА бугунги кунда ўз вебсайтига (www.naesmi.uz) 2004 йилнинг 21 октябридан бошлаб эса “Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари ахборотномаси” журналига эга. Шу кунгача ЎзЭОАВМА ташаббуси ёки воситачилигида 50 дан зиёд турли шакл ва мазмундаги тадбирлар ўтказилгани, воқеа дегулик амалий ишлар қилингани ҳам фикримизга далил бўла олади... Сўзимизни шу ерда мухтасар қиламизда, эътиборни энди ўтган ҳафтанинг охири, аниқроғи 14 апрел куни пойтахтимизнинг “Дедеман” меҳмонхонасида бўлиб ўтган конференцияга қаратамиз. Аввалдан айтиш жоизки, конференция юксак савияда ўтди. Буни унга таклиф этилган меҳмонлар, сўзга чиққан масъуллар ва мутахассислар, кўтарилган масалалар, эришилган натижалар ҳам бемалол исботлай олади.

ЎзЭОАВМА бошқарув раиси Фирдавс Абдухолиқов конференцияда қисқа кириш сўзи қилди: натижалари, мақсад ва вазифалар, келгусидаги ривожланиш дастурларига тўхталди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, ЎзААА Бош директори Абдулла Арипов жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишда нодавлат ЭОАВнинг тутган ўрни ва роли ҳақида батафсил гапирди.

Конференцияда асосий эътибор ЎзЭОАВМАни 2006-2007 йиллардаги ривожланиш дастурига қаратилди, дейиш мумкин. Ана шу муддат давомида 20 дан зиёд янги ва амалдаги лойиҳа тақдим қилинмоқда. Дастур доирасидаги лойиҳаларда ўзаро узвийлик ва мунтазамликни кузатиш мумкин. Қолаверса, уларда алоҳидаалоҳида эмас, балки умумий ривожланиш тамойили устувор. Агар белгиланган ана шу дастур доирасидаги барча лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилса, ЎзЭОАВМА катта натижаларга эришиши шубҳасиз, деган хулосага келиш мумкин бўлади.

Конференцияда ТВ ва радиодан ташқари, кабел ТВ билан боғлиқ масалалар, уларнинг ўз олдига қўйган келажакдаги мақсад ва вазифалари ҳам обдон муҳокама қилинди. Бундан ташқари ЎзЭОАВМанинг Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, унга 16 та янги ТВ ва радио тўлақонли, 40 га яқин кабел операторлари эса уюшган ҳолда аъзоликка қабул қилинди.

Маълумки, айни пайтда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида бевосита ОАВга дахлдор бўлган 7 та қонун лойиҳаси устида иш борилмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокида муҳокама қилинган Қонун лойиҳалари борасида ҳам таклиф-мулоҳазалар билдирилди... Ана шундай тартиб ва оҳанг билан конференция борасида яна кўп гапириш мумкин эди. Лекин гапимизни шу ерда мухтасар қиламиз-да ва айтамиз, бизнингча конференция ўз олдига қўйган мақсадига эриша олди.

МУХБИРИМИЗ

Танлов

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТАДИ!

Маълумки, 2005 йилда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон ёшларининг “Камолот” ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши биргаликда ёш авлодни истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, китобхоннинг замон қаҳрамонлари тимсоли акс этган бадиий асарларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида “ИСТИҚЛОЛ: ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ” танловини эълон қилган эди. Танлов тўғрисида Республикамиз марказий нашрларидан бир неча бор эълон берилди. Хусусан, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Соғлом авлод”, “Ҳуррият”, “Зеркало XXI” каби қатор газеталарда танлов шартлари ва талаблари батафсил ёритилди.

Танловга тақдим этилган асарлар Агентлик қошидаги Бош муҳаррирлар жамоатчилик кенгаши аъзолари, таниқли ношир ва адибларидан иборат махсус Ҳайъат томонидан атрофлича ўрганилиб, уларнинг аксариятида танлов шартлари тўла адо этилмаганлиги қайд этилди. Айрим ижодий ишлар бевосита асосий мавзуни ёритишга йўналтирилмаганлиги, бадиий кашфиётлар даражасида эмаслигини инобатга олиб, танлов ташкилотчилари “ИСТИҚЛОЛ: ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ” танловини 2006 йил декабрь ойига қадар давом эттирилишини маълум қилади. Барча ижодкорларни, шоир ва адибларни, журналистларни ўзларининг энг сара асарлари билан ушбу танловда фаол иштирок этишга чақирамиз. Танлов шартлари ўзгармаган.

Демак, танлов давом этади!

“ИСТИҚЛОЛ: ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ”

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон ёшларининг “Камолот” ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ёш авлодни истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, китобхоннинг замон руҳи акс этилган бадиий асарларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида “ИСТИҚЛОЛ: ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ” танловини эълон қилдилар.

Танлов ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, барча ижодкорларни мустақил республикамизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётини тубдан юксалтириш, янги давлат қуриш, фуқаролар жамиятини барпо этиш, маънавиятимизни юқори даражага кўтариш, мамлакатимиз хавфсизлигини, фуқароларимиз осойишталигини таъминлаш, ўтиш даврининг қийинчиликларини енгиш жараёнлари, халқимизнинг орзу-умидлари, интилишларини ёрқин акс эттирувчи бадиий асарлар яратишга чорлайди.

Мустақиллик йилларида ўз эрки, қадрини топиб янги ҳаёт қуриш, моддий ва маънавий неъматлар яратишда, ўз халқининг тинчлиги, фаравонлиги, давлатини хавфсизлиги йўлида фидойилик кўрсатиб, турли соҳаларда меҳнат қилаётган, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган инсонлар — замонамиз қаҳрамонларини, қалби Ватанга меҳр-муҳаббат ҳислари билан тўлган ўғил-қизларнинг ёрқин образларини яратиш, ҳаётий воқеа-ҳодисаларга бой, ўзбек тили, миллий романчилиги, шеърияти анъаналарини акс эттирган сермазмун асарлар яратиш танловнинг бош мақсади сифатида белгиланган.

Танловга мустақилликни мустаҳкамлашга, юрт иқтисодиётини, маънавиятимизни бойитишга мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлашда фидойилик, қаҳрамонлик, мардлик, инсонпарварликни шарафлашга бағишланган, қизиқарли, ёшлар дунёқарашини шакллантиришга ёрдам берадиган янги асарлар қабул қилинади.

Тақдим этилган асарлар икки қатор оралиғида 2 нусхада кўчирилган бўлиши лозим. Тақдим этилган қўлёзмалар ички тақризга берилиб, ғолиблар тақризчилар хулосаси асосида танлов ҳайъати томонидан аниқланади.

Танлов анъанавий бўлиб, ҳайъат аъзолари, тақризчилар ва мутахассислар таркибига, мукофот пули миқдорига ўзгаришлар киритилиши “ИСТИҚЛОЛ: ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ” танлови якуни 2006 йил 8 декабрь Конституция куни байрами арафасида эълон қилинади. Танловда ғолиб чиққан муаллифлар ёрлиқ ва пул мукофотлари билан тақдирланадилар.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги пул мукофоти ҳамда рағбатлантирувчи мукофотлар таъсис этилган.

Шеърий тўпламлар учун:

— биринчи ўрин учун 2 миллион сўм;

— иккита иккичи ўрин учун 1 миллион сўмдан;

— учта учинчи ўрин учун рағбатлантирувчи мукофотлар.

Насрий асарлар учун:

— биринчи ўрин учун 2 миллиолн сўм;

— иккита иккинчи ўрин учун 1 миллион сўмдан;

— учта учинчи ўрин учун рағбатлантирувчи мукофотлар.

Танлов ғолибларининг асарлари имтиёзли равишда нашр этилади.

Қўлёзмалар 2006 йилнинг 1 ноябригача Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйига топширилиши лозим.

Манзилимиз: *700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.*
Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: *144-22-53, 144-11-19.*

Жавоб

МУРОЖААТ ҲАЛ ҚИЛИНГАН ЭДИ...

“Hurriyat” газетасининг шу йил 12 апрель сонида Ҳусанбой Тожиматовнинг “Аҳвол” рукни остида “Солиқ мендан қарздор бўлди, лекин уни икки йилдан бери ундиролмаётганим хусусида” деб номланган мақоласи Миробод тумани Давлат солиқ инспекцияси жамоаси ўртасида атрофлича муҳокама қилинди. Ана шундан келиб чиққан ҳолда ушбу мақола юзасидан айрим фикр-мулоҳазаларни билдиришни жоиз деб топдик.

Қалам ҳақи (гонорар) одатда солиқчилар томонидан эмас, балки мақолани чиқарган газета, журнал ёки нашриёт ҳисобчилари томонидан ҳисобланиб, ундан даромад солиғи ундирилади. Агар ана шу корхоналар томонидан тегишли даромад манбалари тўғри ҳисобланиб, даромад солиғи нотўғри ундирилса, солиқчи эса амалдаги қонунга асосан тасдиқланган ва белгиланган жадвал асосида қайта ҳисоб-китоб қилса, бунда аввало ким айбдор бўлиши мумкинлигини аниқлаб, кейин унга баҳо бериш лозимга ўхшайди.

Мақолада “Солиқчилар мижозлардан қарз бўлиб қолса-чи?” деган гап айтилган. Бизнингча, бундай ҳолатда солиқчи эмас, давлат бюджети қарздор бўлади. Солиқчи бу ерда ўртадаги воситачи, холос. Муаллиф мен солиқчиларга 6530 сўм ортиқ тўлаганман, деб ёзади. Лекин шуни айтиш жоизки, агар фуқаро “айбдор” бўлмаса, ҳеч ким ҳеч қачон ортиқча тўлов тўламайди. Агар шундай ҳолат рўй берган бўлса, фуқаро айбни бировдан эмас, ўзидан излаши керак бўлади.

Энди далилларга мурожаат қилайлик. Жисмоний шахс Ҳусанбой Тожиматов томонидан Миробод ДСИ бошлиғига мақолада ёзилганидек икки марта эмас, балки бир марта, яъни 2006 йилнинг 8 февралида 6530 сўмни молмулк солиғига ўтказиш юзасидан мурожаат қилган. Ушбу ариза туман ДСИ девонхонасида мазкур сана, 02994 тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Бу мурожаат кўриб чиқилиб, масъул ходимлар томонидан Солиқ кодексининг 129- моддасига мувофиқ, Ҳ. Тожиматовга тегишли бўлган молмулк солиғини 6530 сўм миқдорида камайтириш юзасидан хулоса ҳамда ҳисоб-китоб қилинган. Бизнингча, жисмоний шахс Ҳ. Тожиматов ўз мурожаатининг натижаси билан танишганидан сўнг газетага мурожаат қилганида адолатли бўларди.

Миробод туман Давлат солиқ инспекцияси

Изоҳга ҳожат йўқ

Хушхабар

ЛОНДОНДАН ЭЪТИРОФ

“Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси республика бошқарувига Ўзбекистоннинг Буюк Британия пойтахти Лондондаги элчихонасидан миннатдорлик мактуби келди. Унда элчихонада ташкил қилинган Наврўз байрамида бизнинг ходимларимиз муносиб иштирок этгани эътироф қилинган.

Айтиш керакки, Германиядаги Жаҳон ҳунармандчилиги (2002 йил), Грециянинг Кавала шаҳридаги Жаҳон маданияти (2003 йил), Англиянинг Экзетер шаҳридаги (2005 йил, январь), кўргазмаларда жамғарма халқимизнинг фольклор, анъанавий ва замонавий қўшиқчилик, рақс санъатини, ҳунармандчилик маҳорати маҳсулотларини хорижий мамлакатлар аҳлига муваффақиятли намойиш этди.

Шу йил март-апрель ойида бўлиб ўтган сафар чоғида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сойибжон Ниёзов, маҳоратли доирачи Дилмурод Исломов ва рақосаларимиз “Олтин мерос”нинг “Муножот” дастаси вакили сифатида Англияда ўзбек қўшиқ ва рақс санъати намуналарини намойиш этишди.

Миннатдорчилик мактубида элчи миллий санъатимиз, қадриятларимизни тарғиб этиш борасида, элчихонамиз билан жамғарма ўртасидаги ўзаро муваффақиятли ҳамкорлик давом этишига ишонч билдирган.

“Мерос-ньюс” ахборот хизмати

Аҳвол

СЕРПУШТ ТОВУҚЛАР ЁКИ ПАЛАҒДА ДАРСЛАР

45 дақиқалик антиқа мўъжиза

Касбимиз тақозосига биноан таълим-тарбия масканларида бўлиб ижобий ишларни кўриб қувонамиз, салбий ҳодисаларга дуч келганимизда анча кунгача ўзимизга келолмай юрамиз.

Маълумки, муаллимлик машақатли меҳнатни талаб этади. Чунки у энг нозик иш — инсон таълими ва тарбияси билан шуғулланади. Ёш ниҳолни боғбон мисоли парваришлайди. Ўқитувчи ҳақида ҳар қанча мақтов озлик қилади. Лекин улар орасида ҳам кун ўтарига ишлаб, болаларнинг қимматли вақтини беҳудага ўтказаётганлари баъзан афсуски учраб туради.

Кунларнинг бирида тумандаги мактаблардан бирига ташриф буюрдик. Шанба куни бўлгани учунми машғулотлар ҳам, давомат ҳам ўлда-жўлда экан.

Дарсга кирмоқчи бўлиб ўқитувчидан конспектини сўраймиз. Топа олмай сарсон. Қўлида на дарслик, на кўргазма бор. IX “А”, IX “В” синфларида бор-йўғи журналдаги рўйхат бўйича 38 та бола бор. Иккаласида ҳам меҳнат дарсини икки гуруҳга бўлиб ўқитишар экан.

9 нафар ўғил болага Деновдаги педагогика билим юртини битирган, кўп йиллик стажга эга опахон синфхонада машғулотини бошлади. Хонага назар ташлайман. Парталар катта-кичик, ҳар хил кўринишда, ранглари ўчиб кетган, деворлар қуп-қуруқ. Ҳаттоки синф бурчагини илишга ҳафсала қилишмабди.

Бироз сўст босган домла саломлашгач, “ўтган мавзу нима эди? Қани ким айтади?” — деб гуноҳ иш қилиб қўйгандек менга қаради.

Мен эса хижолат бўлмасин деб, шипга тикилдим. Биронта ёритиш мосламаси йўқ. Ажабландим. Қоронғуроқ кунлари нима қилишар экан-а?!

Жимликни Олимнинг қўл кўтариши бузди. Опа бироз жонланди. Ўрнидан турди.

— Қани Ҳусанов айт-чи?

— Дарахтларни тагини юмшатиш, — деган темани ўтувдик.

— Яхши, ойтқони дарахтларни қайтиб юмшатамиз?

— Малим, қиш пайтида дарахтларнинг тагини юмшатиш фойдали.

— Бўлди, ҳамма билади, жер овдаришди билмайдиган борма. Тўғрима болалар? Йигитлар жим. Гўёки хато гапириб қўйишдан қўрққан каби муаллимига, гоҳ бир-бирига қарашади.

Вақт имиллаб қолди. Уни тезлаштириш учун деразаларга қарайман. Ойна кўзлари синиқ, улов, кир-чир, бир замонларда томган бўёқлар...

Шу пайт муаллим йиртилиб, сарғайиб кетган китобига қараб доскага янги мавзуни ёзди.

Серпушт товуқларни яратиш. Шогирдларидан ёзиб боришни талаб қилди. Гапирмоқчи бўлиб китобга юзланди. Ҳаяжонланганлиги туфайли эслаб қололмайди, шекилли, бироз ўнғайсизланди-да, конспект ёздира бошлади. Мен ҳам ёзаяпман:

— Паррандалар галасида энг яхши ривожланган, яъни 130-140 кунлик товуқларни танлаб оламиз. Келгусида шулар устида наслчилик ишлари олиб бориш учун товуқларнинг энг яхши пишиқлигини ва маҳсулдорлиги жиҳатидан парранда галасининг ўртача тухум қиладиганини (15-20 фоизини) серпушт товуқларга ажратамиз.

Товуқ фермаларини кўз олдимизга келтирамиз. Сертухум типидаги товуқлар линиясини яратиш жараёнида тухумнинг сифатига катта аҳамият берилади.

— Ҳа, Али уйқунг келаяп-ма, бунча энсайсан? — танбеҳ берди муаллима ва давом этди:

— Бундай тухумнинг сифати, шакли, индекси, пўчоғининг индекси, оқсил вазнининг сариқ модда вазнига нисбатан ва тухумда қон ва гўшт парчаларининг бўлмаслиги керак. Опахон яна шогирдларини зериктирмаслик учун луқма ташлади:

— Ухлаб ўтирманглар. Билмайдиган жойларингда орада савол бераверинглар. Ҳамма ёзаётганидан завқландими мамнун қиёфада давом этди.

— Шартми, фермага бориш? Уйда кўрсаларинг ҳам бўлади. Оналаринг тухум қўймайма. Қўяди. Жўжаларни товуқ остига қўйишдан олдин унинг катта-кичиклигига қарайди. (Тухум демоқчи бўлиб, шошганидан жўжа деб юборди, шекилли.) Кейин фойдали маслаҳатларга ўтди:

— Тухум олмайдиган товуққа тухум қўйманг. Кичик товуқ зиён келтирмасин. Ҳаммаси ҳисобдан чиқарилиб, ҳеч бўлмаса ярим бўлиб, ҳеч бўлмаса ярим бўлиб, ҳеч бўлмаса ярим бўл

"Hurriyat" – 10

ЗАРВАРАҚЛАРДАН

Вазият

МАТБУОТНИНГ 10 ДУШМАНИ

Журналистларни муҳофаза қилиш қўмитаси 10 нафар раҳбарни матбуотнинг душмани сифатида эълон қилди.

1.Жазоир — Антар Зуабри.
2.Хитой — Цзян Цзэминь.
3.Куба — Фидель Кастро.
4.Нигерия — генерал Сани Абача.
5.Туркия — бош вазир Нажмиддин Эрбақон.
6.Белоруссия — президент Александр Лукашенко.
7.Хабашистон — бош вазир Мемс Зенаун.
8.Индонезия — президент Сухарто.
9.Албания — президент Сали Бериша.
10.Мъянма — генерал Тан Шве.

Москвада чиқадиган "Новое время" ҳафталигидан олинган мазкур маълумотни махсус тайёргарликсиз атрофлича изоҳлаш қийин.

1997 йил, 20 август

Ҳа-зил
Саидмурод САИДАҲМАД

ИККИЛИКЛАР

Суяксиз тил ўзингда,
Қандайлигинг сўзингда.
Қудалар бор муштлашар,
Қудалар бор хушлашар.
Ҳалол бўлсанг ошайвер,
Маза қилиб яшайвер.

29 октябрь

МАЪНАВИЯТ САБОҚЛАРИ

Мусулмонларнинг эътиқодига кўра, Худо бандаларига эрталаб барвақт, ҳали офтоб чиқмасдан ризқ-рўз улашади. Қоқ тунгача, буёғи тонг маҳалгача телевизорда баъзан ақлни ва ахлоқни суюқлаштириб юборувчи бемаъни фильмларни кўриб ўтирмай, барвақт ётиб, азонни эшитишингиз билан ўрнингиздан туриб, дилингизга пок ниятни жо қилиб, ўнг оёқ билан сотонадан ҳатлаб ишга равона бўлсангиз маъқул эмасми? Менга бемалол ишонаверинг: хизматингиз ҳам баракали бўлади.

18 ноябрь

Миннатдорлик

50-УЧРАШУВ!

Вақтнинг ўтишини қаранг, ҳафта сайин чиқадиган газетамизнинг, мана, 50-сони ҳам Сиз, азиз ўқувчиларимиз қўлига етиб бориб турибди!

Ижодингиз гуллаб-яшнашига тилакдошмиз, муҳтарам "Ҳуррият" муаллифлари!

10 декабрь

Матбуот
Умид БЕКМУҲАММАД

ГАЗЕТАЛАР ҲАМ ТАРИХИЙ МАНБА

Маърифатпарвар Шокиржон Раҳимий "Тараққиёт", "Шуҳрат", "Ҳуррият", "Садои Туркистон" каби газеталарни халқ ичидан чиққан ва ҳукуматнинг зулму зўравонлигига қарши қаратилган учқунлар деб, уларнинг ёпилиб қолиш сабаблари ҳақида ҳам тўхталган: "Агар бу учқунлар ёнғинга айланмаган бўлса, бунинг сабаби фақат битта — ўт ўчирувчиларнинг борлигида эди".

Ҳа, айнан ўт ўчирувчиларнинг борлиги туфайли, Туркистонда XX асрга қадар фақат "Туркистон вилоятининг газети" чиққан.

1998 йил, 14 январь

Давлатчилик
Нажмиддин КОМИЛОВ

ВАЗИР ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

"Вазир" сўзи арабча "визр" сўзидан ҳосил бўлган. "Визр" юк, оғирлик деган маъноларни англатади. Имом Газзолий фикрича, яхши вазир "подшоҳнинг яқин ёрдамчиси, сирдошидир ва мамлакатнинг ички ва ташқи ишлари, вилоятлар ва хазинанинг ободонлиги вазирдандир, подшоҳликнинг зебу зийнати, қудрат ва шукуҳи унга боғлиқ".

Алишер Навоий эса энг оқил ва энг яхши вазир сифатида Сулаймон подшоҳнинг доно вазири Осафни тилга олади.

28 январь

Муаммо
Муҳаббат ҲАМИДОВА

ЁМОН ҚИЗЛАР ЙЎҒ-У...

— Ойим менга бақириб кўрсинлар-чи, адам нима қиларкинлар! — деди Нигора ишонч билан.

Шу куни қандай қилиб дарс ўтганиму, қандай қилиб уйга етиб олганимни билмайман. Орадан уч кун ўтиб, кўчада тасодифан Нигоранинг ойисини учратиб қолдим.

— Сал ҳақини таниб, лаб-даҳанлигина бўлиб ўсгани тузук экан, қиз болани, — деди у гапларимни тинглагач. — Йўқса, менга ўхшаб бир умр эзилиб ўтаркан. Кейин замоннинг ўзи шуни талаб қиляпти, шекилли-да.

18 февраль

Бозор
Раъно РАҲМОН қизи

АНГЛАШ ЧОРРАҲАСИ

Уйга келсам... Юракка қил сиғмай турган вақтда телевизорда бир хонанда фидо бўлиб куйлаб ётибди:

"Ватан, ватан, вата-а-ан,
Азиз жоним ватан!"

Қўшиқ ҳам шунчалик ҳиссиз ва қуруқ бўладими? У "ватан" деб бақиргани сари бу туйғу аллақаёқларга яширинди, беркинди олганга ўхшайди.

25 февраль

Киноя
Норали АСЛОН

ЧЕКМАГАНИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!

Яқинда хизмат юзасидан пойтахтимиздаги "Amenoz Industnies" ўзбек-америка қўшма корхонасига йўлим тушганида одатдагидан бошқача, Дейл Карнегинча муомаладаги манзаранинг гувоҳи бўлдим. Деворда биз доим учратадиган буйруқ оҳангидаги хитобдан фарқ қилувчи, чиройли ёзув илиб қўйилган экан: "Чекмаганингиз учун раҳмат!"

11 март

СИТОРА тайёрлади

Кузатув

«ГАСТАРБАЙТЕР»ЛАР

Яқинда 5-6 нафар "гастарбайтер"ни Жанубий Корея ва Россияга кузатишга тўғри келди. Ҳамқишлоқлар бизнинг уйни "Тошкентдаги қўниб ўтиш базаси" сифатида танлашган бўлса керак. Болаликдаги дил тортар ошналар бўлсакда, негадир суҳбат қовушмади. Дунёқарашларда тафовут бўлгани учунми, уларнинг суҳбати-ю, мақсадларига унчалик қойил қолмадим. Негаки ошналарнинг "дарди" битта – қандай қилиб бўлмасин, пул, пул ва яна пул топишдан иборат! Албатта, уларни қоралаш ёки танқид қилишга асло ҳақим йўқ. Ҳар ким тирикчилик аравасини ўзи билганича тортади-да. Бунинг устига, ҳозир ҳаётни пулсиз тасаввур қилиб бўлмайди-ку, барибир...

Ака-укалар Жанубий Кореяга ишга отланишган. Суҳбат устида йигитлар қишлоқдаги шароитдан гап-сўз қилишди. Жуда содда, кўзлари жовдираб турибди. Эрта баҳор бўлишига қарамасдан юзлари қорайиб кетган, 20-30 ёшларнинг ўртасидаги йигитлар ўз ёшидан анча катта кўринади. Хуллас, ҳали навқирон ёшданоқ турмуш "из"и юзларида акс этиб турибди. Шунга қарамасдан менимча, уларнинг сийратида инсоний моҳиятдан кўра нафсоний сифатлар устунлик қилади. Яъни, бутун куч-қуввати, диққат-эътибори фақат биргина мақсадга - қорин ғамига қаратилгандай. Ваҳоланки, камтаргина бўлса-да, тирикчилиги ўтиб турибди, томорқаси, мол-ҳоллари ҳам бор. Бир муддат Россияда ишлаб келишибди. Уларнинг айтишларича, Россияда ойига топадиган 250-300 минг сўм кам экан. Кореяда бундан кўра икки-уч баравар кўпроқ ишласа бўлармиш. Мана, асл мақсад ва муддао... ихтиёрий мардикорлик! Бу йўлда мол-ҳолини сотиш, катта-катта қарз кўтаришга-да тайёр (шундай қилишган ҳам). Ҳозир улар жуда хурсанд: "Ҳужжатларни тўғрилашга уч минг "кўки"дан кетди, - дейди акаси қониқиш билан. - Ҳозир одамлар уч минг бериб, яна навбатда ҳам туришибди". У ўз билими, маънавий савиясини ошириш ҳақида эса, ҳатто ўйлашни ҳам истамайди. Дейлик, китоб ёки газета ўқиш улар учун жуда оғир иш ёки жини суймайдиган машғулот ҳисобланади. Мен йигитларни ўзимча синаб кўрмоқчи бўлдим: газетада уларнинг қишлоғи ҳақида мақола чиққанлигини айтиб, қизиқтириш учун мақоланинг баъзи жойларини сўзлаб бердим. Жуда ҳайратланиб тинглашди (ёки ўзларини шундай тутишди). Сўнг газетани узатдим. «Ие, шу газетада чиққанми?» деб сўради кичиги. Лекин негадир ўзи ўқимай, акасига узатди: «Манг, ўқиб кўринг-чи». Акасининг гапи ундан ҳам ошиб тушди: «Газета ўқисам кўзим жимирлайди, ўзинг ўқийвер». Бу гап кекса одамнинг эмас, қишлоқ тўйларида кураш тушиб юрадиган полвоннинг гапи. Узоқ Кореяга ишга отланиб турган забардаст йигитнинг гапи! (Йигитлар ҳозир махсус тиббий кўрикдан ўтишяпти. Кореяда ишлаш учун салкам космонавтларникидек соғлиқ бўлиши керак эмиш).

Тўғри, тирикчиликнинг айби йўқ. Ҳар ким қўлидан келган ишни қилади. Ҳамманинг яхши яшагиси келади. Бунинг учун чет элда ишлаб келиш имконияти бор экан, бу ҳам яхши. Европада ишлаб, юқори малака орттирган минглаб турк ишчилари ўз юртларига янги технологияларни келтирганликлари ва бунинг мамлакат учун ижобий натижалар берганлигини ўқиганмиз. Биз эса деҳқон ёки ишчидан юқори савия ёхуд газетхонликни талаб қилишимиз балки ноўриндир. Улардан меҳнатни, ишни сўранг! Шундайку-я, бу йигитлар қаерда ва кимнинг қўлида ишлашига бефарқ, меҳнатдан бошқасини билмай юришлари яхши аломатга ўхшамайди-ку. Улар фақат бўйсунишга, итоатга, ўзларига буюрилган ҳар қандай ишни бажариш ва "хожа"синнинг қўлига умидвор тикилишга мойил йигитлар-да. Булар на тил, на муомала, на йўл-йўриқни билади. Шунинг учун ҳам бирорта олғир "ишга олиб бораман", деса, эргашиб кетаверади. Мана шундай не-не забардаст, аммо кўзи итоат билан мўлтираган тўда-тўда йигитларни ҳаттоки шаддод ўзбек хотинлар Россияга олиб бориб, қул сифатида сотиб келаётган ҳолатлар бир-иккитагина бўлганидаям майли эди! Қишлоғи ҳақида республика газетасида чиққан мақола ҳам жиндай қизиқтирмаса, нимага қизиқади булар ўзи? Булар тезроқ Кореяга етиб олиб, бирорта корчалонга ёлланса, ҳар қандай ишни бажариб бўлса-да, уйига доллар жўнатса! Мана уларни қизиқтирадиган асосий масала!

Корейс қўшниларим бор. Ўзига тўқ, ошиғи олчи. Уларникига ҳар хил турдаги хорижий машиналар тез-тез келади. Буни қарангки, Кореяга отланган акаука билан суҳбатимиз давомида корейс қўшнилар пастда қандайдир байрамни нишонлашарди (балки шунчаки тўпланиб, дам олишаётгандир, бунинг аҳамияти йўқ.) Кабобларнинг дуди очиқ деразалардан киряпти.

Кореяга ишга отланаётган "бахтли" ака-укага қараб, каминада шундай ўйлар кечди: булар "қишлоқдаги оғир шароит ва турмуш кечиришнинг мушкуллашгани"дан шикоят қилиб, бегона юртга ишга жўнашяпти. Шу ака-укалар бизнинг корейс қўшниларга ўхшаб, у ёқларда кабобхўрлик қилади, деб ўйлайсизми? Қаёқда! Буларнинг тақдири у ёқдаги иш берувчининг ҳиммати, мурувватига боғлиқ. Улар эса бир "цент"ни ҳам осонликча бермаслиги тайин...

Корейс қўшниларим эса бир замонлар тақдир тақозоси билан бизнинг юртга келиб қолишган. Аммо нега бу корейслар "Ўзбекистонда яшаш қийинлашди", деб ота юртлари Кореяга жўнамаяпти? Нега жўнаши керак, ахир бу ерда ҳам фаровон ҳаёт кечиришаяпти-ку! Демак, манави ака-уканинг "яшаш қийинлашганлиги" ҳақидаги дийдиёларига менинг корейс қўшниларим қўшилмайдилар! Жанубий Кореяда нима бор? Ахир ер юзининг жаннати – Ўзбекистон-ку? (бу – корейс қўшниларимнинг гапи). Улар юртимизда ҳақиқатдан ҳам худди жаннатдагидек яшаш мумкинлигини исботлаяптилар!

Тунов куни Россияда ишлагич биттаси келиб эди. "Тушимда ўғлим ўлиб қолганмиш",- дейди. – "Кўнглим хижил бўлиб келсам, ўғлимни Тошкентдаги суяк сили шифохонасига ётқизишган экан. Уйдагилар мени тинчлантиришди. Аҳволи яхши, дейишди. Бориб кўришга вақт бўлмади. Энди "срочний" қайтишим керак. Ўрнимни эгаллаб қўйишлари мумкин. Ишим зўр. Ўтган ойда "кўки"дан минг ишладим. Ҳаммаси шу болаларим учун-да". Бунга нима дейиш мумкин? Ичимда, "нафсингга ўт тушсин", дедим. Бундайлар ҳаётни фақат еб-ичишда ва болани худди жонивордек боқишда, деб билади! Мана шу кас фарзандини тарбиялаш, ўқитиш, бирорта ҳунар ўргатиш...ни ўйлайдими? Унинг фикрича, энг асосийси – пул топиш, ҳамма ишни пул билан бажариш мумкин! Тўғри, бояқиш дўстим оиласи ва фарзандларини деб олис, қаҳратон жойларда юрибди. Бир келганида топган пулига уйи томини шиферлатди, томорқасини девор билан ўради. Иккинчи келишида ўғилларининг қўлини ҳалоллади. Тўйида арақ дарё бўлиб оқди-да ўзиям! "Болаларимнинг тўйида "вес" қишлоқни арақка тўйдираман, деб ният қилгандим, - дейди у қониқиш билан. - Гапимнинг устидан чиқдим. Қовчинлик Эштемирдан қаерим кам менинг!" Мана, унинг ўта жайдари ва... бемаъни фалсафаси. Боласини ўқитиш ўз йўлига, лекин у Эштемирдан афзаллигини исботлаши муҳим! Тўйдан сўнг йўл пулига ошна-оғайнилардан қарз кўтариб, яна Россияга жўнади. Вақти келиб, фарзанди ҳам улғайса, ота изидан боради: Россияга ё Кореяга жўнайди! Афсуски, мана шундайлар сафи кам эмас. "Ака, Россиянинг исталган шаҳрига билет бор", дейди Шимолий вокзал рўпарасида кечаю-кундуз турувчи билетфуруш. – "Кассадан оламан деб овора бўлманг, топилмайди. Бизда эса "гарантия". Тирикчилигимиз шундан, ака, алдаш йўқ".

Россияда ишловчиларнинг топган пуллари ва сотиб олган буюмларини маълум ҳақ эвазига чегара-ю, божхоналардан олиб ўтиб, уй-уйига тарқатувчи "махсус хизмат" - ҳожатбарорлар пайдо бўлибди. Уларнинг умри асосан йўлда ўтаркан. Қишлоқда шов-шув гап: бурун колхозда кассирлик қилган Абдуғафур бир неча йилдан бери Москвада бинойидек фаррошлик қиляпти эмиш. Яқинда ўғли ва жиянини ҳам чақириб олибди. Ўша ёқдаги ахлатхоналардан йиғиб олган пойабзаллардан нақ саккиз сумкасини жўнатибди. Хотини арзон нархда сотган экан, қишлоқда талаш бўп кетибди. "Жуда пишиқ ботинка экан, - дейди Эсон тоға харидидан мамнун бўлиб. – Бир пойининг патаги йўқлигини айтмаса, яп-янги буюм". Албатта, тараққиёт бизни-да четлаб ўтаётгани йўқ. Масалан, Россия ва Кореяда ишловчилар топган пулларини "Вестерн юнион" орқали юборишни ўрганишяпти. Ҳатто оддий телефон сими тортилмаган чекка Қовчинда радиотелефон пайдо бўлди. Ҳозирча Бекмирзанинг оиласидаги бу мўъжизадан бутун қишлоқ аҳли баҳраманд бўляпти. Тунов куни пул юборган экан, банкдагилар "ҳали келиб тушмади", дейишибди. Келин паспорт ичига беш минг сўм солиб, узатса, "ия, мана энди келибди", деб тўғрилаб берган эмиш. "Ана, кўрдингизми, чет элларда ишлаганимиз тузук-да", дея ўзини оқлашга уринди дўстим. Ўйлаб кўринг, шуям гапми ахир?! "Четда ишлаганимиз тузук", деб кетаверилса, бу ердаги иллатлар ўз-ўзидан бартараф бўлиб қолмайди-ку! Ундан кўра, қонунларни ўргансанг, ўз ҳуқуқларингни билсанг, бошқалардан ҳам талаб қилсанг, шуниси маъқул эмасми? Тадбиркорлик ва фермерлик учун кенг йўллар очиляпти-ку. Ўз Ватанингга нисбатан шунчалик лоқайд бўласанми, биродар?

Россияга ишга кетувчиларнинг "бизда тирикчилик қийин бўлиб кетди", деган гапига сира қўшилиб бўлмайди. Масалан, Чеченистонда неча йиллардан бери ўқтин-ўқтин нотинчлик бўлиб турибди. Аммо чечен йигитларининг тўда-тўда бўлиб Россия ёки бошқа ўлкага кетганини ҳеч ким эшитмаган. Бизда эса ихтиёрий мардикорлик қилинаётгани ташвишланарли ҳолдир. Ихтиёрий мардикорликдан қайтишга пул тополмасдан, вокзалларда забун ҳолда юрган йигитларимиз, албатта, юртга обрў келтирмайди.

Қай бир йили Чорсудаги мардикор бозори ёнидан ўтаётиб эшитган гапларим сира эсдан чиқмайди. Ўрта ёшлардаги мардикор ўзидан ёшроқ йигитларга баланд овозда насиҳат қиларди:

- Ҳой, билиб қўйларинг, бундай юриб ҳеч қачон биринг икки бўлмайди! Топганингда барака бўлмайди! Кунига ўн мингдан топсанг ҳам. Одам бўламан десанг, бирорта ҳунар ўрган, ука!

Тунов куни Кореяга ишга кетган ҳалиги йигитлардан бири телефон қилди: ишлари "беш" эмиш! Бошлиғи ундан жуда хурсанд эмиш. "Ўзингдек меҳнаткаш ўртоқларинг яна бўлса чақир, уларни ҳам ишга оламан", деганмиш...

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ,
журналист

А.Ҳакимов чизган

Сўзсиз сурат

Муаммо

"БУЮРТМА ГАЗЕТА"

ёки ижтимоий-сиёсий газеталар муаммолари хусусида

Яқинда қишлоқ мактабларининг бирида бўлдим. Ўқитувчиларнинг барча саволлари Президентимизнинг Фармони билан халқ таълими ходимларини ойлик маошларини кўпайтирилиши тўғрисида бўлди. Фармонда муаллимларга малакасига қараб рағбатлантириш кўрсатилаётганлигини айтиб, улардан ўз билимларини ошириш мақсадида, марказий матбуотда эълон қилинган маориф соҳасидаги 3-4 та мақолаларни ўқиб чиқдиларингми деб сўрадим. Афсуски, бирор-бир муаллимдан лом-лим деган садо чиқмади. Жамиятимизнинг ўқимишли тоифасига мансуб бўлган ҳурматли ўқитувчиларимиз матбуотдан бехабар бўлсалар, ўзгалардан ўпкаламасак ҳам бўларкан.

Матбуот миллат онг-шуурига маърифат нурини таратади. Балки шунинг учундир фаровон турмуш кечираётган ҳеч қайси халқ матбуот ривожига бефарқ қарамаган.

Фикримизни далили сифатида айтишимиз мумкин, ривожланган мамлакатларда ҳар 1000 кишидан 200 киши кундалик матбуотни ўқиб боришади. Бизда бу кўрсаткич 13 тани ташкил этади.

Чет эл газеталари ҳажми катталиги билан ажралиб туради. Энг кичик шаҳар газеталари ҳам 20-30 саҳифадан иборат. Йирик шаҳарлар газеталари 100-120 саҳифа, дам олиш кунлари эса бундан ҳам катта ҳажмда чоп этилади. Ҳатто бир кунда икки марта чоп этиладиган газеталар бор.

Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида ижтимоий-сиёсий матбуотни оммавийлигини ошириш мақсадида қандай вазифаларни амалга ошириш зарур? Ўша ҳаммамиз билган Робинзон Крузо айтганидай "Кема денгизга боришни хоҳламаса денгиз кемани олдига келади" қабилида иш кўрилса. Ойнаи-жаҳон ва радио орқали мунтазам газеталар шарҳи бериб борилса. Мазкур кўрсатув ва эшиттиришлар расмий ва юзаки бўлмаса. Кенг жамоатчиликни фикр-мулоҳазаларга чорловчи матбуот чиқишлари ҳақида атрофлича тўхталиб ўтилса. Одатдагидай бир тўп газеталарни бир четдан варақлашдан иборат расмий шарҳларни кимга кераги бор?

Журналист Ислом Ҳамронинг "Масъул сўз" кўрсатуви мазмун-моҳияти билан бугунги матбуотимиз мавзусида салмоқли мушоҳада юргизаётган эди. Таассуфки, кейинги вақтда бу кўрсатув ҳам ойнаи-жаҳон дастурларида кўринмай қолди. Миллатимиз менталитетига тўғри келмайдиган турли чет эл сериаллари, видеоклиплар (таъбир жоиз бўлса бу видеоклипларни "видео қилиқлар" деб атаган бўлардим) олдида "Масъул сўз" ёритилаётган муаммонинг залвори туфайли томошабинларни жалб эта олмагандир? Аммо ушбу кўрсатувни ҳам ўз йўналишидан келиб чиққан ҳолда зиёлиларимиз орасида мухлислари борлигини унутмаслигимиз даркор.

Яхшиямки, Республика радиосида ҳафтада 5 кун эрталаб газеталар шарҳи бериб борилаяпти. Истардимки, бошқа телерадио каналлар ҳам дастурларида газеталар шарҳига ўрин ажратсалар кўпчиликни дилидаги ўйлар амалга ошган бўларди.

Ахборот энг тез эскирадиган товар ҳисобланади. Ҳали сиёҳи қуримаган бугунги газетани эрталабки нонушта маҳалида сизга етказиб беришларини хоҳламайсизми? Албатта, бундай қулайликни ҳеч ким рад этмаса керак?

Яна бир оғриқли муаммо: туман кутубхоналарида вақтли матбуот нашрларининг тўлиқ йўқлигидир. Аксари бундай кутубхоналар бармоқ билан санарли газета-журналларнигина олади. Сабабини суриштирсангиз обунага келганда туман маданият бўлимларини ҳамёнлари бўшаб қолганидан нолишади. Агар туман кутубхоналарида матбуот нашрлари қанча кўпайтирилса талаба ёшлар, қолаверса, маърифатга чанқоқ одамларимиз учун қулай имконият яратилган бўларди.

Имконият излаб ишлашни давр тақозо этаётган ҳозирги вақтда ҳомийларни мазкур хайрли тадбирларга жалб этилса бўларди.

Москвада қизиқ бир ҳолни кузатдим. Шаҳарнинг одамлар кўп тўпланадиган жойларида, темир йўл вокзалларида, автошоҳбекатларда, кинотеатрлар олдида махсус ойнавандли доскаларга янги газеталар мунтазам ёпиштириб қўйилади. Республикамизни каттаю кичик шаҳарларида ижтимоий-сиёсий газеталарни шу тарзда бўлса ҳам ўқувчиларга яқинлаштирсак бўлмайдими?

Ҳозирда, капалакнусха тижорий газеталар кўпайиб кетди. Бундай нашрлар ўқувчиларни чалғитиши ҳам мумкин. Бироқ жамоатчиликнинг ижтимоий фикрини шакллантира олмайди. Мустақиллигимизнинг бардавом бўлиши учун эса жамиятимизнинг фидойи, ватанпарвар фуқароларини тарбиялай олишимиз керак. Ушбу ўринда ижтимоий-сиёсий газеталарга масъулиятли вазифа юклатилган. Вақтли матбуот нашрлари ва фуқароларимиз ўртасида узилишлар бўлиши — маънавий бўшлиқ бўлишига йўл қўйиб бўлмайди.

Зеро, халқимизнинг маънавиятини ажралмас қисми бўлган ижтимоий-сиёсий матбуотни иқтисодий фойда келтириши билан эмас, балки даврининг долзарб муаммоларини ёритилиши, дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга омма эътиборини қаратиши, жамоатчилик фикрини шакллантириши билан ўлчанмоғи ҳақли талабдир.

Анваржон ҲАЛИМОВ

Ҳамкасб

ПОЛКОВНИК — ЖУРНАЛИСТ

Азизнинг худди кечагидек ёдида. 1983 йил сентябрь ойида ички ишлар соҳасида ишлаш мақсадида Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиғи, генерал-майор И. Сатторовнинг хузурига кирди.

– Яхши касбингиз бор экан. Журналистикани нега тарк этмоқчисиз? – сўради бошлиқ унга синовчан тикилиб.

– Бу соҳадан кетиш ниятим йўқ, – деди Азизжон қатъий. – Журналистлик фаолиятимни ҳуқуқ-тартиботни тарғиб этиш орқали давом эттирмоқчиман.

– Тўғри қиласиз, – деди бошқарма бошлиғи ва бироз ўйга толиб, сўзини давом эттирди: – Давлат автомобиль назоратида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш учун сизга ўхшаш тайёр мутахассислар керак. Бугундан бошлаб ҳужжатларингизни тайёрлайверинг. Мен назоратга олиб қўяман.

Шу суҳбат сабаб бўлди-ю, Ўзбекистон телевидениесида муҳаррир бўлиб ишлаётган Азиз Эрназаров кўп вақт ўтмай ички ишлар идораларидаги илк фаолиятини бошлади. У Тошкент шаҳар ИИБ ДАНБ ЙПХ полкига тарғибот ва ташвиқот бўйича катта йўриқчи лавозимига қабул қилинди.

Азизхон ички ишлар соҳасида иш бошлаган дастлабки кунлардан Тошкент Давлат университети журналистика факультетида ўқиб олган назарий билимлари ва телевидениеда озми-кўпми орттирган тажрибасига таяниб, ишга астойдил киришиб кетди. Кундалик нашрларда тез-тез йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, ҳайдовчилар томонидан содир этилаётган қоидабузарликларни камайтириш, йўловчилар билан боғлиқ муаммолар ва бошқа кўплаб масалалар ўз аксини топган таҳлилий мақолалар пайдо бўла бошлади. Азизжон кўпроқ маҳалла, корхона, ташкилот ва муассасаларга ташриф буюриб, одамларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш билан бирга, тарғибот-ташвиқот ишларини ҳам олиб борарди. Вақт ўтиши билан у республика ИИВ ДАНБ инспектори, катта инспектори, тарғибот ва ташвиқот бўлими бошлиғи ҳамда бошқа вазифаларда ишлади. 1999 йили Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲҲНБ тарғибот ва ташвиқот бўлими бошлиғи этиб тайинланганда эса соҳада ҳам, журналистикада ҳам муайян тажриба тўплагани кўзга ташлана бошланди.

Болалар иштирокида содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисалари таҳлил этилганда ўлим билан боғлиқ ҳолатларнинг 70 фоизига улар катталарнинг назоратидан четда қолиши сабаб бўлаётгани, шошқалоқ такси ҳайдовчилари мактаблар, болалар боғчалари олдига қўйилган йўл белгиларига эътибор бермаслиги ойдинлашди. Азиз Эрназаров

қўл остидаги ходимлар билан кенгашган ҳолда, махсус дастур ишлаб чиқди ва пойтахтнинг Яккасарой туманига татбиқ этди. Дастур талабларидан келиб чиқиб, ҳудуддаги автосаройлар ва корхоналардаги ҳайдовчилар билан учрашди, кези келганда умумтаълим муассасалари олдида соатлаб туриб, транспорт ҳаракатини кузатди. Шу тариқа мактаблар ва болалар боғчалари яқинидаги йўлларга навбатчилар қўйилиб, ёш автопатруллар ҳаракатига асос солинди. Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари ва бунинг оқибатида жароҳат олиш ҳолатлари беш йилдан бери ўсиб келаётган туман ҳудудида қисқа вақт ичида камая бошлагани кузатилди. Яхши самара берган ушбу дастур республика ИИВ ЙҲҲББ раҳбарияти томонидан маъқулланиб, жойларда оммалаштирилди.

Соҳанинг билимдонига айланган Азиз ҳаракат хавфсизлигини тарғиб қилишда оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланди. Ўша кезлари Ўзбекистон телевидениесида ташкил этилган «Авторейд», «Йўл - интизомни ётқиради» каби кўрсатувлар долзарблиги билан алоҳида ажралиб турарди.

А. Эрназаров тўрт йил давомида Республика Ички ишлар вазирлиги Матбуот марказига ҳам раҳбарлик қилди. Шу давр ичида республикамизда нашр этилаётган газета ва журнал жамоалари билан ҳамкорлик кучайди. Азиз аканинг ташаббуси билан Ўзбекистон телевидениесида «Қалқон», «Автопатруль», «Олов билан юзма-юз», «Чорраҳа» каби кўрсатувлар пайдо бўлди. «Бевосита мулоқот» кўрсатувида ички ишлар идораларининг профилактика, тергов, паспорт, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва бошқа хизматларнинг раҳбарлари билан мулоқот уюштириб соҳалардаги муаммоларни кўтариб чиқди. Шунингдек, вазирликда оммавий ахборот воситалари ходимлари ва хорижлик меҳмонлар иштирокида ўтказилган кўплаб брифинг, анжуман, учрашувларга бош-қош бўлди.

Унинг раҳбарлигида Москвада бўлиб ўтган ҳуқуқ-тартибот мавзуидаги детектив фильмлар ва теледастурлар халқаро фестивалига тақдим этилган «Қонли олишув» фильми ўз йўналиши бўйича 1-ўринни эгаллаб, соврин ва диплом билан тақдирланди. Бундан ташқари, бевосита ички ишлар ходимлари фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи «Ўлим сўқмоғи», «Чаён боласи» ведеофильмларида бош маслаҳатчи сифатида қатнашди. Терроризм ва гиёҳвандликнинг мудҳиш оқибатлари ҳақида ҳужжатли фильмлар яратди. Унинг ижодига мансуб «Лайлонинг қотили ким?», «Кимнинг ноғорасига ўйнаяпмиз?», «Тунги «фаришталар» каби кўрсатувлар Ўзбекистон телевидениеси орқали қайта-қайта намойиш этилган.

У қисқа вақт ичида «Постда», «На посту» газеталари, «Қалқон», «Щит» журналларининг дизайни, мазмун-мундаричасини замон талаблари даражасида ўзгартира олди. Ажойиб фазилатларидан бири, бирор ишга киришдими, кўнгилдагидек чиқмагунча тиниб-тинчимайди, ходимларни ҳам шунга ундайди. Қолаверса, у республикамиздаги ягона полковник- журналист ҳисобланади.

Синчков ички ишлар ходимлари ва муштарийлар полковник А. Эрназаров Бирлашган таҳририятга Бош муҳаррир этиб тайинлангач газета ва журналларда қандай ўзгаришлар қилинганини билиб олишлари қийин эмас. Аввало долзарб ва таҳлилий мақолалар кўпайди, «Бевосита мулоқот», «Сиз кутган учрашув» рукнлари остида ёритилаётган материалларнинг давомийлиги таъминланди. «Инсон одоби билан азиз», «Сержантлар», «Криминал воқеалар», «Олам синоатлари» каби янги саҳифалар ташкил этилди. Журналлар-ку мутлақо янгича кўриниш ва йўналишга эга бўлди. А. Эрназаров раҳбарман, деб саҳифаларни ўқиш билан кифояланиб қолмайди. Энг долзарб, одамларни шу бугунги кунда ташвишга солаётган, уларни ўйлантираётган масалалар бўйича мақолалар ёзади. Биргина Андижон воқеаларини олайлик. У фожиа содир бўлган куннинг ўзидаёқ биринчилардан бўлиб Андижон шаҳрига етиб борди. Жабрдийдалар, ҳатто қўли қонга ботган террорчилардан интервью олиб, газетага мақола, телевидениега эса кўрсатув тайёрлади.

У ҳамон ёш ходимлардек ҳаракатчан, қуйди-пишди. Уни баъзан ижодий жамоа билан нашрларнинг келгуси сонини муҳокама қилаётган, гоҳида берилиб саҳифаларни ўқиётган, матбуот анжуманига ёки ўзи аъзо бўлган «Ўзбеккино» миллий агентлиги эксперт комиссияси йиғилишига шошиб кетаётган, шунингдек бошқа ишлар билан банд бўлган пайтда кўриш мумкин.

Саъдулла ШОДИЕВ.

Дугоналаримга

30 МЕТРЛИК ХАТ

уни ўзбек қизлари ёзишяпти. Кимга ва нима учун?

Кейинги йилларда ёшларимизнинг кўр-кўрона ғарбга тақлид қилиши кучаймоқда. Улар тарбия, кийиниш ҳатто севги-муҳаббат бобида ҳам ғарбдан орқада қолмасликка ҳаракат қилишмоқда. Бунинг сабаби, аввало, ғарбдан кириб келаётган кассета ва журналлар. Яна ғарб мусиқасининг шиддат билан кириб келиши нафақат ёшларнинг онгини заҳарлаш билан чегараланади, балки асрлар оша яшаб келаётган покиза, пинҳон туйғуларимизни топтаб ўз комига тортиб кетмоқда.

Шу боисданми ё бошқа сабабми, қайси кўнгилочар газетани қўлимизга олмайлик унинг саҳифаларида ҳаёси, иффати билан тилларда достон бўлган ўзбек қизларининг очиқ севги изҳорларига кўзингиз тушади.

Гўзал қизларимиз томонидан изҳор қилинаётган севги мактублари асосан ёш эстрада хонандаларига йўлланмоқда. Қизлар ўша санъаткорнинг ижодидан кўра шахсий ҳаётига: уйланганми, севгани борми шу тарафларига қизиқишади. Шунинг учунми 10 метрдан 30 метргача хат ёзиб юборишади. Санъаткор ҳам янги тўн кийган одамдай хатни бошидан оёғигача ўралган расми билан чиқади. Яқинда деярли ҳали тилга тушмаган, атиги 2-3 та қўшиғи билан санъат оламига кириб келаётган ёш хонандага 24 метрлик хат келибди, албатта қиз боладан. Ҳайрон қоларли жойи шундаки, ўша хонанданинг ижод фаолияти, қўшиқлари ҳақида гап кетганда, ҳатто туғилган кунидан бугунгача ҳаёт йўли ёритилганда ҳам ушбу мактубни тўлдириш мушкул ишдир, яна билмадим.

Тўғри, даврлар ўтаяпти, инсонлар ўзгаряпти, лекин асрлардан бери яшаб келаётган анъаналаримиз йўқолиб кетмаслиги керак. Бугун ўзбек қизларимиз қайси миллатга тақлид қилаяпти.

Даврлар ўтса ҳам шарқ аёллари ўз ҳаёси, ибоси билан дунёга машҳур бўлиб қолаверади. Бу нозик меросни асраб-авайлайлик, азиз дугонажон!

Феруза ЖЎРАЕВА

Дараклар

ҚОДИРОВ САРОЙ ҚУРДИРМОҚЧИ

Ҳозирданоқ "меъморчилик санъат асари", "мўъжиза" деб таъриф берилаётган қурилишга 1,5 млрд. доллар сарфланар экан.

Хабарларга қараганда яқин кунларда Грозний йирик қурилиш майдонига айланиши кутилмоқда. РИА "Новости" ахборот маҳкамаси Чечен Республикаси бош вазири Рамзан Қодиров маъмуриятининг йирик ҳукумат комплекси қурилиш режасини Федерал ҳукумат эътиборига тақдим этганини хабар қилади. Режага кўра, шаҳар марказидан ўтувчи Сунжа дарёси қирғоғи бўйидаги 12 гектарли майдонда президент саройи, ҳукумат уйи ва парламент биноси қад кўтаради.

ЧР ҳукумати матбуот хизмати мутасаддилари лойиҳанинг смета қиймати 1,5 млрд. долларни ташкил этишини айтишган. Режалар яхши... аммо уни амалга ошириш учун маблағ қаердан олиниши ҳозирча номаълум. Россия Федерацияси ҳукуматининг Чеченистонни қайта тиклаш бўйича яқинда президент Путинга тақдим этган бюджет лойиҳасида республикага йилига 500 миллион рубль ажратилиши назарда тутилган.

ИСТЕЪМОЛ "КОРЗИНА"СИ ҚАНЧА?

Роса бир ой олдин Россия Давлат думаси "Истеъмол корзинаси ҳақида"ги қонун лойиҳасини қабул қилди. Қонун Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги томонидан киритилди ва унда ноозиқовқат маҳсулотлари ва хизматлар учун бир ой ичида ўртаҳол россияликнинг 2635 (расмий курс бўйича 1 рубль – 44 сўмга тенг) рубль сарфлаши белгиланган.

Россия ҳукумати киритган қонун лойиҳасида "корзина"нинг 46 фоизини озиқ-овқат маҳсулотлари ёки 1212 рубль ташкил этилиши назарда тутилган. Корзинанинг 20 фоизи ёки 527 рубли ноозиқовқат маҳсулотлари, 24 фоизининг (632 рубль) хизматлар, жумладан квартира ҳақлари кабиларга сарфланиши кўрсатилган. Шунингдек ҳукумат россияликларнинг бир ой мобайнида қанча гўшт, балиқ, сут маҳсулотлари ва мева-сабзавот истеъмол қилишлари кераклигини ҳам алоҳида пункт билан белгилаган. Янаям аниқроқ бўлиши учун: "корзина" талабларига биноан бир йилда ўртаҳол россияликнинг 37 килограмм гўшт истеъмол қилиши кўрсатилган. Аммо ўзингиз яхши биласиз, ҳар бир киши овқатланишдан ташқари кийим ҳам кийиши лозим. Истеъмол корзинасида булар ҳам бор. Демак, корзина меъёрларига қаралса – мазкур истеъмол корзинаси даражасида даромад қиладиган россияликнинг: етти йилга учта "устки кийим харид қилиши", йилига икки жуфт пойабзал, икки ойга бир жуфт пайпоқ ва беш йилга бир дона юбка (аёллар учун) ҳамда тўрт йилда бир жуфт шим (эркаклар учун) кийишлари белгилаб қўйилган, деб маълумот беради "Труд" газетаси.

КОМПЬЮТЕР ЎЛИМГА САБАБ БЎЛДИ

Пекинда 27 ёшли йигит компьютери ёнида ҳаддан ташқари кўп ўтиргани боис, чарчоқдан вафот этгани ҳақида хабар беради "Интерфакс".

Тиббиёт ходимлари йигитнинг ўлимига айнан унинг компьютер ёнида кўп ўтиргани сабаб бўлган деб хулоса беришди. Пойтахт интернет-кафеларидан бирининг доимий мижози бўлган бу йигит танаффуссиз 10 соат мобайнида компьютердан бошини кўтармаган.

Вафот этган йигитнинг асосан компьютер ўйинларига жуда қизиққани айтилади маълумотларда. Ўйинга муккасидан кетган пайтларда йигит на овқат еган ва на бир оз танаффус қилган. Илгари бу йигит жиддий касалланмаган.

Бундан бир неча йил олдин эълон қилинган тиббиёт тадқиқотлари хулосаларида меъёридан ортиқ компьютер ёнида ўтириш кишининг ўлимига сабаб бўлиши мумкинлиги айтилган эди. Янги Зеландиялик ўспиринларнинг кунига 18 соатлаб компьютерда ўйнагани ва натижада оёқларида қон қуюлиб, ўлишига сал қолгани воқеаси бундай тиббий текширувлар ўтказилишига асос бўлган эди. Ўспиринларнинг ўпкасида ҳам қуюқ қон натижасида тиқилмалар пайдо бўлган ва ўткир ўпка касаллигига чалинган. Текшириш муаллифлари янги асрнинг яна бир иллати сифатида айнан меъёридан ортиқ компьютерда ишлаш деб ҳисоблашмоқда.

Зумрад ЛУТФУЛЛАЕВА тайёрлади

СААКАШВИЛИНИНГ ОБРЎСИ ТУШИБ БОРЯПТИ

Грузия президенти Михаил Саакашвилининг эл орасида обрўси тушиб боряпти, аммо инқилоб натижасида иқтидорга келган ҳукумати мустаҳкам кўринади. Бу ҳақда РИА "Новости" ахборот маҳкамасига Россия Жамоатчилик палатаси аъзоси, "Политика" фонди президенти Вячаслав Никонов маълумот берган.

«Президент сайлови пайтида Саакашвилини ёқлаб сайловчиларнинг 97 фоизи овоз берган бўлса, яқинда ўтказилган сўровлар натижасидан ҳайратга тушмай иложи йўқ. Давлат раҳбарини бугун бор-йўғи 15 фоиз фуқаро қўллаб-қувватлаётган экан. Нима бунга сабаб бўлишидан қатъий назар бу ниҳоятда оз натижа», - дейди Никонов.

Шунга қарамай, сиёсатчи Саакашвили ҳукуматининг мустаҳкам туришида қандайдир ташқи омиллар сабаблигини инкор қилмаслиги айтади. "Масалан, - дейди у, - АҚШ ҳукуматининг катта маблағи кўмагида қайта такшил этилаётган Грузия ҳарбий кучлари ва жамоат ташкилотлари президент сиёсатининг асосий устунларидир».

Шунингдек Никонов баъзи Ғарб давлатлари ва АҚШ ажратаётган молиявий кўмакларнинг Грузия иқтисодиётининг бир оз ўнгланишига хизмат қилаётганини ҳам таъкилайди.

Россия-Грузия муносабтлари борасида ҳам россиялик сиёсатчи тўхталиб, грузин-абхаз можароси ҳудудида тинчликпарварлик миссиясини амалга ошираётган рус ҳарбийларининг ҳар қандай тўқнашувлардан узоқроқ туришлари лозимлигини эътироф этади.

"Умуман кейинги пайтларда Россия-Грузия муносабатлари кескинлашаиб бораётгани рост, - дейди Никонов. – Грузия раҳбариятининг олиб бораётган сиёсати натижасида асосан оддий грузинларнинг кўпроқ жабр кўраётгани ёмон. Афсуски, яқин орада грузин раҳбарларининг Россияга нисбатан сиёсатини ижобий тарафга ўзгаришидан умид қилмаса ҳам бўлади», - деган "Политика" фонди раҳбари.

Юбилей

МЕМУРИЙЛАР

(Бошланиши ўтган сонларда)

4.3. БОЙСУНҒУР
1397 йил — 1433 йил, декабр.
Отаси — Шоҳруҳ
Онаси — Гавҳаршодбегим

Астробод вилояти ҳокими (1414), вазир (1416—20). Эрон Озарбайжони ҳокими (1421—31). Санъат, айниқса, адабиётни жуда қадрлаган. Фирдавсий "Шоҳнома"сининг мукаммал нусхасини тайёрлаб, сўз боши ёзган. Ҳирот тасвирий санъат мактабига асос солган. Ўз қўли билан кўчирган ва олтин сувида безатилган Қуръон бобосининг қабри устида турарди.

Фарзандлари — 3 ўғил(3/10).
Умри — 37 йил.

4.3.1. АЛОУДДАВЛА
1417 йил — 1460 йил, сентябр
Отаси — Бойсунғур (4.3)
Онаси — Жонмалик оқа.

Бувиси Гавҳаршодбегим унга алоҳида меҳр билан қарар ва тахт вориси деб биларди. Шоҳруҳ (4) вафотидан кейин Ҳирот тахтини эгаллайди. Абдуллатиф (4.1.4) бошлиқ Самарқанд қўшинини енгиб (1447 йил, 27 апрель), А.ни асир олади. Улуғбек (4.1)нинг аралашуви билан А. озод этилади. Улуғбек Мирзо ва ўғли 90 минг кишилик лашкар билан Алоуддавлага қарши келиб, 1448 йил баҳорида Тарноб мавзесида уни енгишади. Хуросон Абусаид (3.6.2) тасарруфига ўтгач, Мўғулистон тарафларда, сўнг Хоразмда яшайди. Касалланиб, вафот этади. Ҳиротда дафн этилади.

Умри — 44 йил.
Фарзандлари — 2 ўғил, 1 қиз(2/2).
Қизи — Султонбегимни Абусаид (3.6.2) никоҳига олган, фарзанди — Шоҳруҳ (3.6.2.6).
Катта ўғли — Абулхорис Бойсунғур (4.3.1.1).

4.3.1.2. МУҲАММАД ИБРОҲИМ

Суратда: академик Бўрибой АҲМЕДОВ ва журналист Ҳаким САТТОРИЙ. 1995 йил октябрь

1440 йил — 1458 йил, август.
Отаси — Алоуддавла.
Онаси — Муродсултон

Амакиси Абулқосим Бобур (4.3.3)га қарши Хуросон тахти учун курашда асир тушиб қолади. А.Б. вафотидан сўнг Ихтиёриддин қалъасидан қочиб, қўшин тўплайди, Шоҳ Маҳмуд (4.3.3.1)ни енгиб, Ҳиротни эгаллайди. Туркмон ҳукмдори Жаҳоншоҳга қарши курашда Абусаид (3.6.2) уни алдайди ва енгилади.

Асаб касали билан вафот этади.
Умри — 19 йил.

4.3.2. СУЛТОН МУҲАММАД
1418 йил — 1451 йил, Ҳирот.
Отаси — Бойсунғур (4.3.)
Онаси — Хандон оқа

Султония, Қазвин, Рай ва Қум вилоятлари ҳукмдори С.М. бобоси Шоҳруҳга қарши қўшин тортади, Исфаҳонни босиб олади. Шерозни қамал қилади (1446). Исённи бостириб қайтаётганда Шоҳруҳ Мирзо бетобланиб, вафот этади.

Хуросонга ҳужум қилиб (1449), укаси Абулқосим (4.3.3) билан тўқнашади. У ўн йиллик ҳукмронлиги даврида укаси билан уч марта тўқнашади ва охири қатл этилади.

Умри — 34 йил.
Фарзандлари — 2 ўғил. Саъд Ваққос (1437—1452) ва Ёдгор (4.3.2.1)

4.3.3. АБУЛҚОСИМ БОБУР
1422 йил, Ҳирот — 1457 йил, март, Машҳад.
Отаси — Бойсунғур
Онаси — Гавҳарнасаб оқа Хоразмий

Шоҳруҳ Мирзо вафотидан сўнг Улуғбек (4.1), Абдуллатиф (4.1.4) ва Султон Муҳаммад (4.3.2)га қарши тахт учун жанглар олиб борди. 1451 йилдан Хуросон тахтини қўлга киритди. Шеърият мухлиси, илмфан ҳомийси бўлган. Ёш Султон Ҳусайн ва Алишер Навоийга илтифот кўрсатган.

Фарзанди — 1 ўғил.
Умри — 36 йил.

4.3.3.1. ШОҲ МАҲМУД
1446 йил — 1459 йил.
Отаси — Абулқосим Бобур (4.3.3)

Отаси вафотидан сўнг Машҳадда шоҳ деб эълон қиладилар. Ҳирот сари юришда Муҳаммад Иброҳим (4.3.1.2)дан енгилади.

Кобул ҳукмдори амир Бобога қарши жангда ҳалок бўлади.
Умри — 14 йил.

4.4. СУЮРҒАТМИШ
1398 йил — 1426 йил, ноябр.
Отаси — Шоҳруҳ
Онаси — Мулкат оқа.

Кобул ҳукмдори (1418)
Фарзандлари — 2 ўғил(6/2).

Отасининг ўрнига дастлаб Масъуд (4.4.1), сўнг Қорачар (4.4.2) ҳоким этиб тайинланади.

Умри — 29 йил.

4.5. МУҲАММАД ЖЎҚИ (Жоку)
1403 йил — 1445 йил.
Отаси — Шоҳруҳ
Онаси — Гавҳаршодбегим.

Мўғулистон хони, марҳум Шамъижаҳоннинг қизи Мехрнигор оқани никоҳига олади (1419). Гармсир (1433), Балх (1443) ҳукмдори. Улуғбек (4.1), Бойсунғур (4.3) билан ҳаммаслак бўлган. Онаси ёқтирмаган. Асаб касали билан вафот этган.

Умри — 43 йил.
Фарзандлари — 3 ўғил(1/2).

4.5.1. АЛИ (1423—24) болалигида оламдан ўтган.

4.5.2. МУҲАММАД ҚОСИМ
1422 йил — 1448 йил.
Отаси — Муҳаммад Жўқи (4.5)
Онаси — Меҳрнигор оқа

Отасининг мулки унга теккан эди.

Укаси Абубакр (4.5.3)га қарши жангда ҳалок бўлади.

Умри — 27 йил.

4.5.3. АБУБАКР
1427 йил — 1449 йил.
Отаси — Муҳаммад Жўқи.
Онаси — Меҳрнигор оқа.

Ҳар жиҳатдан мукаммал бўлган А. Хутталон, Арханг, Солисаройни бошқарарди. Балхни эгаллаб, ҳарбий қудратини яна мустаҳкамлайди. Улуғбек Мирзо (4.1) қуёв қилиш ниятида чорлайди Ғаламислар аралашиб, фитна чиқарадилар. Кўксаройда қатл этишади.

Умри — 23 йил.

4.3.2.1. ЁДГОР МУҲАММАД
1451 йил — 1470 йил.
Отаси — Султон Муҳаммад (4.3.2)
Онаси — Тундибека

Аммаси Пояндасултонбегим тарбиясида ўсади. Маишатни яхши кўрадиган, ҳарбий салоҳиятсиз йигит эди. Туркмон ҳукмдори амир Ҳасанбек кўмагида Астробод, сўнг Ҳиротни эгаллайди. Талончилик авж олади. Тунда Алишер Навоий ва бошқа беклар шаҳзодани қўлга олишади. Султон Ҳусайн (2.6.3.2)нинг фармони билан қатл этилади. У Шоҳруҳ Мирзо авлодидан ҳукмронлик қилганларнинг сўнгги вакили эди.

Умри — 20 йил.

Ҳаким САТТОРИЙ тайёрлади.

Шарҳ

ЭНЕРГЕТИКА БОЗОРИ

унда эртага ким ва нима етакчилик қилади?

Бугунги кунга келиб жаҳон энергетика бозори кескин ўзгарди. Ресурсларнинг чекланганлиги, саноат ўсиши бевосита жаҳон бозорида углеводород ресурсларининг нархи ошиб боришига сабаб бўлмоқда. Халқаро Энергетика агентлиги қайд этишича, 2030 йилга бориб энергетика исъемоли 2002 йилдаги миқдорга қараганда 60%га ўсади. Тез суръатларда ўсиб бораётган талаб ва нархлар халқаро ҳамжамиятни ташвишга солиб қўймоқда.

Юзага келган мураккаб вазиятни турли давлатлар турли воситалар билан бартараф этишга ҳаракат қилмоқдалар. Ҳозирги кундаги энг кўп миқдорда нефть импорт қилувчи давлат — АҚШ кунига 2,7 млн. баррел нефть исъемол қилади. Бу кўрсаткич ривожланаётган давлатлар — Ҳиндистон ва Покистоннинг биргаликдаги кунлик кўрсаткичидан ҳам юқоридир. Жаҳонда юз бераётган сиёсий ўзгаришлар, табиий офатлар, қолаверса, ресурсларнинг тобора камайиб бориши АҚШ ҳукуматини нефть импорти ҳақида жиддий ўйлаб кўришга мажбур этмоқда. Айниқса, Кичик Жорж Бушнинг президентлик даврида автомобиллар учун муқобил ёқилғи ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2001 йилдан буён мазкур дастурга 10 млрд. доллардан кўпроқ маблағ сарфлангани фикримиз исботидир. Жорж Буш муқобил ёқилғи ишлаб чиқаришнинг иккита асосий афзаллигига урғу бермоқда. Муқобил ёқилғи ишлаб чиқариш орқали 2025 йилга бориб Яқин Шарқдан импорт қилинувчи нефть миқдорини 75% га қисқартиришга эришиш мумкин. "... ривожланаётган иқтисодиётимиз учун... миллий хавфсизлигимиз учун... биз мустақиллигимизни ҳар томонлама мустаҳкамлашимиз зарур", - деган эди Жорж Буш. АҚШ президенти муқобил ёқилғи экологик тоза эканлигини ҳам таъкидлагани ҳолда, ўзининг сайловолди ваъдаларини бажаришга уринмоқда.

XIX асрнинг асосий саноат манбаи кўмир бўлган бўлса, XX асрда унинг ўрнига нефть мустаҳкам ўрнашиб олди ва саноатнинг "қони"га айланиб улгурган ёқилғи "қора олтин" даражасига кўтарилди. Кўпчилик олимларнинг фикрига кўра, XXI асрда табиий газнинг инсоният ҳаётидаги роли ошади. Халқаро газ агентлиги маълумотларига таяниб айтадиган бўлсак, 2050 йилда дунё энергетика балансида "зангори олов"нинг улуши 30%ни ташкил этади. Ҳозирги дунёда табиий газ заҳираси 400 трлн. м³ деб тахмин этилмоқда. Шундан 170 трлн. м³ ўз тасдиғини топган. Умуман олганда, газ заҳиралари, ўсиб бораётган талабни инобатга олиб айтадиган бўлсак, камида 60 йилга етади деб эътироф қилинмоқда. Янги конларнинг очилишини ҳисобга олинса, 90-100 йилгача газ таъминотида жиддий муаммолар кўзга ташланмаслиги кутилмоқда. Газнинг дунё сиёсатида асосий объектлардан бирига айланиб бораётганлигини Россия ва Украина ўртасидаги газ можароси исботлайди. Ҳозирда Россия 236 трлн. м³ газ заҳираларига эга дея фараз қилинмоқда, аммо шуларнинг 47 трлн. м³ гина ўз тасдиғини топган. Европа истеъмолининг 25%и айнан Россия табиий гази эвазига қондирилади. Таҳлилчилар фикрига кўра, Европанинг газга эҳтиёжи 2010 йилларгача йилига 4 % дан ўсиб боради. Шундай экан, Россия-Европа савдо иқтисодий ҳамкорлиги ҳар иккала томон учун бирдек манфаатлидир. Россия 2010 йилга бориб газ қазиб олишни 650 млрд. м³, 2020 йили эса 700-720 млрд. м³ га етказиш ҳақида бош қотирмоқда. Шу билан Украина ва Польша ҳудудларини четлаб ўтувчи Болтиқ денгизи-Германия орқали янги қувурларни ётқизишга киришиб кетди. 2009 йилда якунланиши кутилаётган мазкур лойиҳалар ҳар иккала томон учун ҳам ишончли ва энг мақбул ечим сифатида кўрилмоқда. Баъзи бир таҳлилчилар Россиянинг 1970 йиллардаги Саудия Арабистони тутган йўлдан бориши ва газ етказиб беришнинг ўзлари хоҳлаган тарзда амалга оширишларини эътироф этишмоқда. Менимча, Россия 25 млрд. долларлик савдо айланмасини ҳеч қачон шубҳа остида қолдирмайди. Далил сифатида Россиянинг шимолий портлари суюлтирилган табиий газ терминалларини шакллантираётганини келтириш мумкин. Бир сўз билан айтганда, энергетика Россиянинг асосий таянчига айланди. Жорий 2006 йилги Россия раҳбарлигида Санкт-Петербургда ўтадиган "катта саккизлик"нинг навбатдаги йиғилишида кўриладиган асосий масала ҳам дунё энергетика муаммолари таҳлилига бағишланади. Россия эса ҳамон АҚШ ва Европа Иттифоқига энергетика ресурсларини етказиб беришда давом этмоқда.

Табиий газга эътибор қаратилаётганлигига биринчи сабаб унинг заҳираси нефть заҳираларига қараганда бир қадар кўпроқ эканлиги бўлса, иккинчиси, табиий газнинг ишлатилиши нефтнинг ишлатилишидан икки баробар кам экологик зиён келтиришидир. Ҳозирда табиий газ савдосида асосан учта бозор мавжуд: **1. Европа бозори** — унга нефть ва газ етказиб берувчи давлатлар: Россия, Норвегия ва Жазоир. **2.** Энг йирик бозор бу — **Шимолий Америка бозори.** Ҳозирда биргина АҚШ эҳтиёжини на Канада, на Лотин Америкаси давлатлари таъминлаб бера олмаяпти. АҚШ эндиликда Катар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаб бормоқда. **3. Осиё давлатлари бозори.** Бу ерда жадал суръатларда ривожланаётган Япония, Хитой, Ҳиндистон ва Тайван истеъмолчилари ва Эрон, Араб ҳамда Марказий Осиё давлатлари сингари улкан табиий газ заҳирасига эга мамлакатлар жойлашган. Ҳозирда Катар суюлтирилган табиий газ экспортини кучайтиришга ўз эътиборини қаратган. Бугунги кунда мамлакат 23 млн. тонна суюлтирилган табиий газ ишлаб чиқариш қувватига эга. Газни суюлтириш билан унинг ҳажмини 600 маротаба камайтириш мумкин, яъни ҳажмни камайтириш орқали транспорт харажатлари ҳам кескин камая боради. Бироқ, экспорт қилувчи давлатда газни суюлтириш учун, импорт қилувчи давлатда эса уни ўз ҳолига қайтариш учун терминаллар қурилиши талаб этилади.

Нефть нархи 2005 йили ўрта ҳисобда 57 долларни ташкил этган. Шу соҳа мутахассисларидан бири Голдмэн Сакс таъкидлашича, 2006 йили бу кўрсаткич 68 долларгача кўтарилиши мумкин. Нефть заҳираларининг тобора қисқартирилаётганлиги, энергетикага бўлган талабнинг ошиб бориши, аҳоли ўсиши ва бошқа омилларни чуқур таҳлил қилган ҳолда олимлар янги ёқилғи турларини яратишга эътиборларини қаратмоқдалар. Бу борада, асосан, иккита таклиф бор: Япония, АҚШ каби давлатлар водороддан фойдаланишни оширишга ҳаракат қилмоқдалар. Бунда автомашина экологик тозаликка салбий таъсир кўрсатмайди. Бу хилдаги манбаларни яратиш инсон қобилияти ва унинг техник имкониятларига бориб тақалади. 2010 йилга бориб мазкур йўналиш бозор айланмасида 1,2 трлн. дан ошиши кутилмоқда. Иккинчи бир таклиф атом энергетикасини муқобил ёқилғи сифатида фойдаланишни назарда тутади. Ҳозирдаги Эроннинг ядро дастури фикримиз исботидир. Буюк Британия олдида ҳам шундай синов турибди. Баъзи таҳлилчилар фикрига кўра, фақат атом энергиясигина юзага келаётган энергетика тақчиллигини бартараф этиши мумкин. Аммо дастурнинг тинч йўлда фойдаланишини назорат этиш бир мунча қийинчиликларга ва муаммоларга сабаб бўлиши мумкин. Ҳозирда энергетика муаммоси нафақат ривожланаётган давлатлар иқтисодиётига, балки бутун жаҳон иқтисодиётига қўланка солиб турибди.

Улуғбек АДАМБАЕВ,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси

Танловга

"Кураш — миллий ғуруримиз"

ШОДЛАНАЙ "ҲАЛОЛ" ДЕБ ЙИҚИТГАНИНГДА

Бундан ўн йиллар муқаддам фалон давлатдан спортчиларимиз фалон спорт туридан ғалабалар билан қайтишибди, деган хушхабарни эшитсак, ҳаяжонимиз бир дунё бўлар эди. Бугун-чи? Бугун бундай ҳолатлар мамлакатимизда яратилган қулай шарт-шароитлар туфайли одатий кўринишга айланди. Яна шунингдек, бугун дунё халқлари Ўзбек кураши орқали ҳам мусобақалашмоқдалар, чемпионлар тарбиялашмоқда. Энг муҳими, "Кураш — бизнинг фахримиз", — дея баралла айтишмоқда.

Хўш, нега бугун барчанинг эътиборини қозонмоқда, таъбир жоиз бўлса, уларнинг-да фахрига айланмоқда? Чунки у халқона, уни халқ яратган. Мустақиллик, Юртбошимизнинг раҳнамолиги остида эса курашимиз қисқа фурсат ичида беш қитъани софдиллиги, жозибаси, энг муҳими, ҳалоллиги билан қамраб олди.

Пойтахтимизда катта ҳаяжон билан ўтган кураш бўйича V жаҳон чемпионатида дунёнинг манаман деган полвонлари ғолиблик учун гиламга чиқдилар. Кузатиб турдик, дунёнинг 60 га яқин мамлакатлари полвонлари орасида 22 та давлат вакиллари шоҳсупадан жой эгаллашди. Улар шарафига мамлакатларининг байроқлари кўтарилди. Бу дегани 22 та давлатнинг спорт тарихига Кураш, Ўзбекистон сўзлари зарҳал ҳарфларда битилди, деганидир. Зотан, бундан етти йил муқаддам янги ҳаётини бошлаган миллий қадриятларимиз ҳисобланмиш — Кураш халқимиз маънавий турмуш тарзининг ажралмас қисми сифатида янада юксалганининг, дунё спорт оламида ўз ўрнини топганлигининг, олимпиада ойласига яқинлашаётганлигининг нишонаси бу.

Бу каби юксак парвоздан кўнгли тоғдай ўсган отахонларимиз тилидаги шукроналардан қалбингиз ширин титрайди. "Мен кураш мусобақаларини хотиржам кузата олмайман. Ҳар бир "Ҳалол" йиқитган полвоннинг усулидан дилим яйрайди, залдаги ҳакамларнинг ўзбекона баҳо беришларидан юрагим ҳапқиради. Тошкентдаги V жаҳон чемпионатидаги ишқибозлар олқиши, полвонлар шиддати, "ҳалол" йиқитишларни кўриб, қувончга тўлиб қолдим, болам". Кураш фидойиси, Абдурашид полвон бобонинг юқоридаги гапларига изоҳ шарт бўлмаса керак.

Афғонистон Кураш федерацияси президенти Зиё Даштийнинг V жаҳон чемпионати якунида айтган гаплари эса ўзининг ўзбек санаган инсонни беъэтибор қолдириши мумкин эмас.

— Тошкентнинг гўзаллиги, Ўзбекистоннинг тинчлиги бизни ҳамиша мафтун этиб келади. Осиёнинг жаннатмакон бу мамлакатига ҳавасимиз бекиёс. Айниқса, барчамизнинг бирдек фахримизга айланган курашни олам спорти даражасига кўтара олган, жумлаи жаҳонга спорт турини тақдим этган юртингизга ва унинг жасоратли Президенти Ислом Каримовга ташаккуримиз бисёр.

Шу ўринда яна бир фикримни айтиб ўтмасам бўлмас. Чемпионатда афғонистонлик тўрт нафар курашчи иштирок этиб, улар орасидан Абдулжаҳид Воҳидий ўз вазнида бронза медал соҳиби бўлди. Бу нафақат курашчиларимиз, балки афғон ёшлари учун ҳам катта муваффақият бўлганлигини тасаввур этиш унчалик мушкул иш эмас, албатта.

Энди Афғонистонда Воҳидийга ўхшаб курашчи, спортчи бўламан, деган ёшлар кўпаяди. Асосийси шу. Айниқса, муҳташам спорт кошонаси узра курашчиларимизнинг шарафига Афғонистон байроғи кўтарилганда ғуруримиз шу қадар юксалдики, беихтиёр кўзларимиздан қувонч ёшлари тўкилди...

Курашимизнинг халқаро майдондаги ўрни ва ўсиш даражасига кўз тегмасин. Бизни хушнуд этувчи хушхабарларни кунда, кунора эшитиб турибмиз. Мана яқинда ўзбек кураши Доминикан ўйинлари таркибига расман киритилди ва 18-25 феврал санасида Санто-Доминго шаҳрида бу ўйинлар бўлиб ўтди. Пан Америка давлатлари терма жамоалари 23 та энг асосий спорт турларидан мусобақалашадиган Доминикан ўйинларида бизнинг курашимизнинг борлиги қувонарли, албатта. Жанубий Кореяда Кураш маркази очилгани-чи? Англия ва Грециядa кураш беллашувлари ташкил этилмоқдаки, буни барчамиз кўриб, билиб, эшитиб турибмиз. Ёки дзюдо бўйича Афина олимпиадаси чемпиони Илья Илядиснинг журналистларга берган интервъюсида "Мен Олимпиада ғолиблигига Кураш билан шуғулланганим туфайли эришдим", деганини оддий ҳиссиёт билан тинглай оламизми?

Даставвал курашнинг бош мезони бўлмиш, ҳалолликни мамлакат кураш ҳаётида сақлаб қолишимиз лозим. Майли, футбол бўйича ўтаётган мусобақаларда ҳакамлар нотўғри пенальти белгилашсин ёки пенальтидан киритилган голни ҳисобга олмай, ўйин қайтадан ўтказилсин. Бироқ курашда бу каби ғирромликларнинг бўлиши унинг энг катта бойлиги, асоси бўлмиш ҳалолликнинг йўқолишига хизмат этади. Бугун аввала, юртимизда мана шунинг туғилишига қарши курашиш лозим. Майдонда ғирромлик бўлаётгани хоҳлаган спорт туридан сезилсин майли, бироқ зиҳн курашдан эмас. Шукрки, юртимизда мусобақалар, сайл курашлар ўтяпти. Ўзбек кураши бўйича беш қитъа, жаҳон мусобақалашмоқда. Бизда ғирромлик қилишлар бошланса, сезилса, курашиш усулларимизни ўзлаштираётган бутун дунё мамлакатлари уни ҳам ўзлаштирмаслигига ким кафил?

Иккинчи мезон, полвонларга бўлган эътибор. Булутсиз ёмғир бўлмаганидек, полвонларсиз ҳам кураш бўлмайди. Уларни қай даражада тинглаяпмиз? Шуғулланти-риш учун гиламлари борми? Етарлими? Қимматбаҳо замонавий гиламларни залига олиб боришга улгурдими? Вилоят, туман Маданият ва спорт ишлари бошқармалари, жойлардаги кураш федерациялари, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва унинг бўлимлари миллий спорт туримиз — Курашга ҳисса қўшишяптими? Мусобақалар ташкил этиш, ғолибларни мукофотлаш ишлари қай даражада? Қониқарлими?

Жойларда юқоридаги саволлар ва уларнинг ечими билан қизиқувчи инсонлар йўқ эмас. Мана, яқинда Андижон вилоятида бўлганимда бу ерда ташкил этиладиган кураш сайллари, ўтиб кетган полвонлар хотирасига бағишлаб уюштириладиган турнирлар ҳақида эшитиб, ҳайратим ошди. Аммо барча ҳудудларда аҳвол бирдек деб бўлмайди.

Курашнинг жозибали йиқитиш усуллари барчани сеҳрлаши шубҳасиз. Энди шу усулларни ойлаб, йиллаб машқ қилаётган, усулни санъат даражасига чиқариб бажариш учун тер тўкаётган устоз ва шогирдни рағбатлантириш масаласи, қадрлаш мавзусига тўхталсак. Чемпион — эришган бу маррасида меҳнатлари самарасини сезиши керак. Жойлардаги ҳокимликлар, мутасадди ходимлар кураш бўйича Республика ёки халқаро мусобақаларда зафар қозонган вакилига, полвонига эътибор бериши лозим. Буни мураббий хат билан чиққанида эмас, балки, онгли, шуурий равишда англасалар, янада хайрли бўлади.

Учинчи мезон, қадрият ва ташаббускорлик, фахр-ифтихор мавзуси. Юқорида тилга олган чемпионимизнинг ўқиган мактаби, спорт мактаби, таълим берган устози, юрт учун чемпион фарзанд камолга етказган меҳрибон ота-онаси... Ҳамма гап уларда-ку. Ана шуларга эътибор масаласи. Бир қарашда ортиқча ташвишдек кўринса-да, лекин зарур жиҳат ана шу бўлиши лозим. Эй, мусобақа ташкилотчиси, чемпионнинг отаси номига ташаккурнома ёзинг, ёхуд полвоннинг қўлига "онангга олиб бор", деб рўмол ёки она учун алоҳида ёзилган "Фахрий ёрлиқ"ни тутқазинг. Булар арзимаган нарсалар, лекин ўз оти билан эътибор, миллатга, миллат онасига эътибор. Ана унда кўринг, ҳаяжонли кўз ёшларни. Бутун қишлоқ ёки маҳалла сизни алқамаса, менга айтарсиз...

Ташаббусда ҳам гап кўп. Мактабга илк қадам қўяётган ўқувчиларга Президентимиз совғаси — ўқув қуролларининг берилаётгани қанчалар хайрли ташаббус бўлди. Мамлакатимизда спортга, миллий меросларимизни янада қадрлашга кенг эътибор берилаётган пайтда ҳар биримиз бу жараёнларга ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим. Балки саховатпеша ҳомийлар кўмагида мактабга илк қадамини қўйган ўқувчиларимизга кураш либосларини, байроғимиз рангларидаги бебаҳо жавоҳирларни ҳам ҳадя этган маъқулдир. Албатта, ҳамма боладан курашчи чиқмаслиги аниқ, аммо бу билан уларнинг юрагида Ватанга, миллий қадриятларимизга меҳр-муҳаббатнинг янада ортишига ҳисса қўшган бўламиз.

Менинг бир устозим ўғли боғча ёшига тўлганда унинг учун кураш яктакларини олиб қўйганди. Ҳамон "Ўғлимни полвон қиламан", дея яктакни авайлаб келади. Тан олиш керак, чидамли кураш либоси бўлмаса, оддий чопонингиз бир ушлашдаёқ йиртилиб, яроқсиз ҳолга келиб қолади. Шунинг учун курашни ўрганмоқчи бўлган болага дастлаб, кураш либосини олиб берсак, шунинг ўзи дастлабки маънавий тарбиямиз бўлади.

Миллий спорт туримизни янада оммалаштиришда Япония, Хитой ёки Жанубий Корея мамлакатлари тажрибаларидан ўрганишимиз ҳам асло фойдадан ҳоли бўлмайди. "Сумо" курашининг Ватани ҳисобланмиш — Японияда Сумо Университети, Хитойда бутун дунёга донғи кетган "ушу" Академияси фаолият кўрсатмоқдаки, сайёрамизнинг ҳар бир сумо курашчиси ёки ушу яккакурашчиси уларда таҳсил олишни орзу қилади. Жанубий Кореянинг "КОІКА" ташкилоти эса бутун дунё бўйлаб таэквондонинг ривожи учун ўз дастурларини амалга оширади. Турли давлатларда ўтадиган таэквондо мусобақаларига совринлар ажратиб, мураббий ва ҳакамларнинг Кореяда малака оширишига ҳомийлик қилади. Жойларда турли семинарлар ташкил қилишади.

Демак, биз ҳам юртимизда курашчиларнинг маҳоратини чуқурлаштирувчи, улардан бутун дунёга дарс берадиган даражада мукаммал полвон-мураббийлар тайёрлашига ҳисса қўшувчи Марказлар ташкил қилмоғимиз лозим...

Кураш бўйича Жаҳон чемпиони Абдулла Тангриевдан "Қандай курашчи бўлиб қолгансиз?", — дея сўрашганда у шундай жавоб берганди:

— Мен Бразилияда туғилганимда балки футболчи бўлармидим. Бироқ мен Ўзбекистонда туғилдим, шунинг учун кураш менинг қонимда бор! Менинг ота-боболарим курашиб келган!

Абдулланинг жавоби ҳам изоҳ талаб қилмайди. Бироқ Абдулла Бразилияда туғилганда ҳам, боринғки, футболни танлаганда ҳам, ўзбек курашини кўриб ёки эшитиб, "ватандоши" Карлос Хонаратонинг ғалабаларига ҳавас қилиб, барибир курашчи бўлиб кетарди, чамамда. Чунки, ўзбек кураши мафтункор, ҳалол ва албатта, олимпиада қонун-қоидаларига мос спорт туридир.

"Чала", "ёнбош" сўзи бутун жаҳонда Янграмоқда, қалбда қувончдан титраш! Шодланай "Ҳалол" деб йиқитганингда Чунки Кураш — ўзбек, Ўзбек бу — кураш!!!

Акмал АБДИЕВ

Эҳтиром

ЗИЁЛИ

Бундан 54 йил бурун ўспирин йигитча Хатирчи туманининг узоқ қишлоғидан шаҳри азим Самарқандга йўл олади ва келиб тўғри Қишлоқ хўжалиги институтига, агрономликка ҳужжат топширади. Авлод-аждодлари деҳқон ўтган бу боланинг ер илмига меҳри баланд бўлиб, 5 та имтиҳонни ҳам муваффақиятли топширади, мандатга киради. Ҳаммаси жойида — ўтадиган балл, отангга балли!

Бироқ масъул котиб ҳужжатларни титкилаб, бир ишкал топади: "Положение"да 17 ёшдан институтга қабул қилинади" дейилган. Йигитча ҳали 17 га тўлмаган, энди 16 га қадам қўйган: бўлмайди — институтга кириш ҳуқуқидан маҳрум!

Бола унга термулади, бунга ёлборади: "Амакилар, маълимлар, мени қабул қилинглар, яхши ўқийман, юзларингни ерга қаратмайман!" Ҳеч ким додига қулоқ солмайди. "Положение"ни бузишга бировнинг ҳадди сиғмайди. Ўспирин тарвузи қўлтиғидан тушиб, ноилож қишлоғига қайтади. Ўқиган мактаби директори ўқимаган болани ўқитувчиликка таклиф қилади. Бола ҳам то ёши етгунча 1-2 йил муаллимлик қилишга рози бўлади. Эҳ, афсус, мактабда яхши ўқиб, 3-синфни ҳатлаб, 5 га ўтиб кетиб, акаси билан бирга ўқигани панд бериб, бола пақирнинг тақдири мутлақо бошқа томонга ўзгариб кетди-я!

Шу йўсин қаҳрамонимизнинг тарбиячилик фаолияти бошланиб кетади. "Ёш муаллим" энди ҳушёр тортиб, тажриба орттириб, 17 дан ўтиб, икки йилдан сўнг Тошкентга "ҳужумга ўтади". Бу гал мактаб кўрган мулла сифатида Тошкент Давлат Чет тиллари институтига, немис тили факультетига ҳужжат топширади. Ўқишга негадир осон кириб, жуда қийналиб ўқийди. Қишлоқ боласи немис тилига меҳр қўйиб, ўзга тилни ўзлаштиришга тиришади.

У бошқалардан, тенгдошларидан ажралиб туради. Жисман ва ақлан бўлимли бўлганидан курсдошлари ва домлалар орасида "оқсоқол" деган лақаб орттиради. Институтни тугатгач, мартабаси ўзгаради: "немис" деган тахаллусга эга бўлади. 1959 йил олий ўқув юртини тугатиб, то 1961 йилгача Хатирчи туманидаги 4, 20-ўрта мактабларда немис ва ўзбек тили, адабиётидан дарс беради.

1961-62 йиллари Самарқанд вилояти Халқ таълими бўлими катта инспектори лавозимида хизмат қилади. Кейинчалик 1962-67-йилларда Самарқанд Кооператив институтида катта ўқитувчи бўлиб ишлайди.

... Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтига ишга келади. Олдин адабиётшунос Лазиз Қаюмовга шогирд тушади. Иши юришмагач, файласуф Эркин Юсуповнинг этагини тутади.

Бу одам — мақоламиз қаҳрамони, ҳозирда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" кафедраси профессори Раҳим ака Каримов бўладилар.

Раҳим аканинг отаси ёшлигида ўлиб кетган бўлса-да, фаришталик, нуроний онаси ҳаёт эди. Ўғил уни Тошкентнинг қайси ётоқхонасида яшамасин, қаерда ижарада турмасин, бирга олиб юрарди. Домласининг ҳам ёши улуғ волидаси бор эди. Катта отин эди. Ўз онаси эса зол хотин эди. Домланинг онаси китобхонликда ўткир бўлса, шогирднинг онаси ёд ўқишда тенгсиз эди. Оналар олим болаларни Худони ёддан чиқармасликка ундашар, Аллоҳдан уларга инсоф-тавфиқ тилашарди.

Раҳим аканинг онаси ҳамиша боласига ўз акаси — тоға тақдирини сабоқ қилиб кўрсатарди: Бухоро Мир Араб мадрасасини Амир мукофоти — зарбоф чопон билан тугатган тоға 29 ёшида Мир Арабда мударрис бўлган, ўзини ўқитган мутавалли домласи билан баҳслашиб қолиб, устозига шаккоклик қилган, айбини ювиш учун Хатирчига қайтиб, ёш-яланглар сабоқ бериб юрар, ҳамиша: "Мени устозим қарғаган, 40 ёшгача ўлмай юрсам, яна мадрасага мударрисликка бораман", — дегувчи эди. Шўрлик тоға қирққа етмай қирчини қийилди...

Она шу ҳаётий ривоятни боласига қайта-қайта уқтирар, отанингу устознинг қарғиши қиличдан ўткирлигини эслатишдан эринмасди.

Тенгдошлари каби Раҳим Каримов бу йил 70 ёшга тўлди. Тошкентга келгани, университетда ишлай бошлаганига ҳам қарийб 50 йил бўляпти. Бугун Раҳим аканинг ўзи устоз, ота, бобо, кайвонию, оқсоқол. Бу йиллар орасида замон қанча турланди! Қанча сувлар оқиб ўтди. Лекин қобил фарзанд сифатида она ўгитларини рад қилмади. Устозига, дўстларига, оилаю касби-корига содиқ қолди.

1977 йилдан эътиборан университетнинг этика-эстетика, динлар тарихи, демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, фалсафа кафедрасида профессор лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Муаллим ҳамма замонда ҳам муаллим. Вазифаси ёшларнинг ақлини пеш қилиш, заковатини ошириш, илм-маърифатга муҳаббат уйғотиш, ақли етганча икки калима сабоқ беришдан иборат. Раҳим ака ўзи ишлаётган университетида домлалик қилиш билан бир қаторда умрининг катта қисми турли факультетларда раҳбарлик вазифасида ўтиб келди. Раҳбарликнинг ҳам энг сер иш, серташвиш, машаққатлиси, жавобгарлиги, масъулияти баланди — деканлик, факультет раҳбарлиги. Унинг муовинлиги. Шу йиллар мобайнида Раҳим ака қўлида тақсил олган ўғил-қиз талабаларни жамласангиз — бир институт бола бўлар...

Раҳим Каримов 2 та дарслик, 11 та рисола, 69 та илмий мақола ва кўплаб дастурлар, методик қўланмалар муаллифи.

Паҳлавон жуссали, генералларни эслатувчи бу шахс даврага қўшилса, у билан бирга орага салобат, ҳурмат, самимият кириб келади. Бугунги кунда университетни кўплар Раҳим Каримовсиз тасаввур қилолмайдиган даражага боришган. Худди шунингдек, Юнусободнинг "Боғи шамол" маҳалласини ҳам бу кайвони домласиз кўз ўнгингизга

келтиролмайсиз. Тўй борми, ўлим-йитим борми — маҳаллада бирор тадбир Раҳим акасиз ўтмайди. 12 минг аҳоли яшайдиган катта маҳалла оқсоқолининг муовини сифатида кайвонимиз сира тиниб-тинчимайди.

Мен ҳар гал Раҳим ака Каримов билан суҳбатлашганимда унинг бир қоп ёнғоқ дўсти раҳматли тилшунос олим Холиқ Абдураҳмонов кўз ўнгимга келади. Жамоат арбоби Қодир Ҳотамовнинг синчков нигоҳини учратгандай бўламан. Хатирчилик зиёлилар бирма-бир хотирамдан ўтади...

Раҳим ака қиёфасида ўз тақдирида кечаги қарам, нотавон совет даври билан бугунги мустақиллик замонининг ўтиш даври машаққатларини кўприк бўлиб боғлаб турган авлод шахсини кўргандек бўламан. Руҳан ва жисман бақувват бу инсонга, унинг бири-биридан одобли ва ақлли фарзандлари, шогирдларига қараб, истиқлол замонида ўзбек зиёлисининг қадди чинакамига тикланаётганлигига ишонгим келади.

Маҳмуд САТТОРОВ

Назм

НАВОИЙ ИШҚИДАН ҲАВАС

1. Ҳайрат дунёсида турганим учун,
Тилимдан тушмайди беадад шукур.
Шунчалар мукаммал яралган очун,
Тасаввур қилишга ожиздир шуур.

Коинот сарвари — эй башарият,
Беназир ижодинг ҳайратга солар.
Яхшиям, йўлдошим боқий шеърият,
Бенажот кезларим қўлимдан олар.

Азалдан бу олам ечилмаган сир,
Ҳаётда ишқ-ҳавас эрур қоришиқ.
Астойдил интилсанг биласан охир,
Қайсиси ҳавасдир, қайси асл ишқ.

Қалбимда нишона кўрсатди туйғу,
Энди боғларимни яшнат муҳаббат.
Яшашнинг мазмуни, фалсафаси шу:
Чин юракдан севиш олий саодат!

2. Ширининг соғинсам дод солгим келар,
Бехос кўзларимга ёш тўлар лим-лим.
Нетай эртам мубҳам: ё толе кулар,
Ё ерга соврилар сўнгги илинжим.

Достонда нақадар бахтлидир Фарҳод,
Ширининг шартини билгани учун.
Мен-чи аросатда: на шод, на ношод,
Ширининг амрини пойлайман дилхун.

Қанийди Ширининг қўйса эди шарт:
Мингта тоғ бағрини этишни пора.
Тешани елкалаб кетмаган номард,
Ўзимни севмасдим бунча бечора.

Дейишар: ўтгандир Фарҳод ва Ширин,
Ҳеч киши ҳаёти бўлмайди такрор.
Шеъримга айтаман қалбимнинг сирин:
Қачондир Ширин деб оҳ уришим бор!

3. Узлатда Мажнундай чекмасдим алам,
Қанийди, Лайлимга тўйиб тикилсам.
Кейин рози эдам жоним чиқса ҳам,
Бахтлиман изингга беҳол йиқилсам.

Майли, жасадимга ҳушим қайтмасин,
Олисларда бўзлаб олмайин тинчинг.
Ҳеч киши севишим бориб айтмасин,
Жаҳонни безасин сенинг севинчинг.

Майли, ёдинг ила гулдайин сўлсам,
Покиза кўнглингга етказмай озор.
Ва лекин қачондир ўзимга келсам,
Йўлингни пойлайман яна интизор.

Бош олиб кетмайин Маккага қадар,
Лайлим, аёндурсан азму машқимда.
Эртами ё индин, бир кун муқаррар
Куйиб кул бўламан оташ ишқингда!

4. Шукурки, барҳақдир тақдири азал,
Ахийри топишган Баҳром-Дилором.
Сени учратганда англадим тугал,
Нимадир муҳаббат, нимадир ором.

Севги ҳақда ўйлаш ўзи фароғат,
Дунёга арзийди ёр билан висол.
Етти сайёрага айлаб саёҳат,
Ҳали гўзалимга топмадим тимсол.

Ўн саккиз минг олам устида учиб,
Бош уриб келаман босган изингга.
Дилимнинг ороми. Боримдан кечиб
Парвона бўламан ёлғиз ўзингга.

Баҳром каби ҳадя этардим тахтим,
Бироқ ўлчовлидир менинг имконим.
Изингга бахшида чин муҳаббатим.
Етса молим олгин, етмаса жоним.

5. Искандар тоғ аро қурдириб девор,
Дунёни қутқарди яжуж-маъжуждан.
Бироқ одамзотга хавф хали бисёр,
Қанча ошиқ сўлди юрак хуруждан.

Чоғим етса эди қурардим мен ҳам,
Ишқсиз кишиларнинг йўлига девор.
Ёрдан айрилишлар топарди барҳам,
Муҳаббат боғида яшнарди баҳор.

Севгим азобига айлайман тоқат,
Ҳавасим келади гулгун фаслингга.
Ажойиб мўъжиза рўй берса фақат,
Муқаррар етаман ширин васлингга.

Азалий қисматдан бўлмайди қочиб,
Искандардай очиқ кетади қўлим.
Чунки сўнг дам қўлим дуога очиб,
Омонлик тилайман сенга, севгилим!

Асрор МЎМИН

Мулоҳаза

САҲНА ВА ТОМОШАБИН

улар бугун бир-бирига нечоғли мос?

Театр — санъатнинг нодир намуналаридан бири. У кишилар қалбига чуқур кириб бориб, руҳиятига таъсир кўрсата оладиган кучдир. Театрни энг жонли санъат, десак ҳам муболаға бўлмайди. Чунки бир театр таркибида барча санъатлар ҳам мужассамлашиши мумкин. Шу туфайли ҳам у инсонга кўпроқ таъсир ўтказа олади, театрдан сўнг томошабин қалби роҳатланмай қолмайди. Яқин йиллардан бери қачон театрга бормай, уни роҳатланиб томоша қилишдан ҳам кўра кузатиш менга одат бўлиб қолди.

Ўтган йили Ўзбек Миллий академик драма театрида бир машҳур тарихий асар саҳналаштирилганда суюнгандим. Чунки спектакл маҳоратли актёрлар томонидан куч-ғайрат билан ижро этилган, ортиқча чиқишлар йўқ, муҳими ундан тарихийлик ва миллийлик уфуриб турарди. Саҳнадан кўзимни олиб, ён-атрофимга қараганимда, томошабинлар жуда сийрак эканлигини кўрдим. Улар ҳам худди биров томонидан мажбурлаб ўтказиб қўйилгандек норози қиёфада эдилар. Спектакл тарихий мавзуда, аммо қаҳрамонлар сўзлашувида бизга тушунилиши қийин бўлган архаик сўзлардан фойдаланилмаяпти, саҳна декорацияси, актёрлар либоси ҳам кўнгилдагидек. Шундай экан уларни нима қониқтирмаяпти экан? Мазкур спектакл икки қисмдан иборат бўлиб, ўртадаги танаффусдан сўнг баракамизга яна ҳам путур етди.

2005 йилнинг сентябрь ойида Миллий театримизда яна бир спектакл намойиш этилди — "Андишали келинчак" (ценарий муаллифи Эркин Хушвақтов). Театр биносига кириб олиш ҳам анча мушкул бўлди. Тумонат одам. Яхши ҳам чиптани эртароқ олиб қўйган эканмиз, кўпчиликка чипта насиб қилмади. Талабгор томошабинларга қўшимча ўриндиқлар ҳам олиб кириб берилди. Мана буни томошабин деса бўлади, деб ўйладим. Театрга шунчалар қатъият билан интилишади-я. Спектакл томошабинларнинг қийқириб кулишлари, ҳуштакка зўр беришлари, гулдирос қарсакларига кўмилди. Менда ҳам яхши муносабат пайдо бўлди. Актёрлар ролни берилиб ижро этишди. Аммо, бир муаммо менга тинчлик бермасди. Чунки аксарият асарларимизда фалсафий мавзулар қолиб, қайнона-келин ўртасидаги низони биринчи ўринга қўйишни кузатиш мумкин. Наҳотки кундалик ҳаётимизда бундан долзарброқ нарса бўлмаса? Оилавий жанжаллар театру кинолар орқали ечимини топиши мумкинми?

Яқинда Миллий театримиз яна бир спектаклни туҳфа этди. Усмон Азим қаламига мансуб "Адибнинг умри" деб номланувчи мазкур спектакл ёзувчи Ойбек ҳаётини акс эттирган экан. Кеч борсам жойимни топа олармикинман, деб хавотирлангандим. Аммо залнинг фақат олдинги ўриндиқларигина банд, қолганлари бўм-бўш эди. Менинг чиптам балконники бўлса ҳам, бўш қолган ўрта ўриндиқлардан бирига жойлашдим. Спектаклни фақат яхши эмас, анчайин сифатли деб айтиш мумкин. Айниқса, актёрларнинг жонли ижролари томошабинга таъсир ўтказмай қолмайди. Спектаклда бир қанча монологлар мавжуд. Уларни томошабинга қараб ўқиётганларида актёрлар олдида жуда хижолат бўлдим. Улар балки миллион кўзлар билан тўқнашишни орзу қилгандирлар. Биз эса анча каммиз. Кечагина "Қаллиқ ўйин"га одам ёпирилиб келганди. "Адибнинг умри" эса ғариб бўлиб қолгандек кўринди кўзимга. Саҳнани томошабинсиз тасаввур этолмаймиз, ахир. Спектакл муқаддимасида унинг икки қисмдан иборат эканлиги эълон қилинганди. Аммо унинг иккиси ҳам бир қисмга "сиғдирилди". Бу учун эса театр жамоасини айблолмайман.

Тарих ҳақидаги билимларим чуқур эмас, аммо шуни биламанки, милоддан аввалги асрларда инсон орзу-ҳавасидаги эмас, эҳтиёжидаги нарсалар бунёд этилган. Қадимги Юнонистон тарихида Эсхил, Софокл, Еврепидлар ижоди, яъни театр фаолиятини, эллик мингдан ортиқ мухлисига эга бўлган Колизей амфитеатрини кўрамиз. Демак, санъат — ҳақиқий ва зарур бўлган эҳтиёж. Аммо бугунги кунда айримларнинг санъатни бизнесга айлантириш орқали ундан манфаат кўраётгани ачинарли ҳол.

Кинозалларни тўлдириб ўтирган томошабинларга қараб, фильм инсонлар кўнглидан жой оляпти, деб баҳолашади. Ўйлайманки, асарнинг ичига кириб кетган ҳақиқий томошабин фақат ундан мириқиб лаззат олади. "Поп Корн"дан эмас. Ҳақиқий томошабиннинг дарди қаҳрамон дарди билан бир бўлади, "Хот Дог" билан эмас. Қисқаси, бутун борлиқни унутиб томоша қилувчи инсон, ҳеч бўлмаса буфет билан томоша жойини фарқлай олиши керак.

Буёғи янги мавсум, янги ижодлар. Яна шаҳримизда томошабинни магнитдек тортиб, бонг урувчи афишалар кўзга ташлана бошлади. "Ромео ва Жулъиетта" ёхуд лаънатланган севги"! Кулиб кўя қолдим. Бу кинояли табассумми ёки аччиқ кулги — ўзим ҳам англай олмадим. Нима бўлганда ҳам, замонамизда Шекспирлар пайдо бўлишига эътирозимиз йўқ. Фақат Шекспир билан бирга унинг сўнмас ижоди ҳам туғилишини жуда хоҳлардик.

Дурдона АЛИМОВА

Хабар

ТАЛАБАЛАР ОЛҚИШИ

Мамлакатимиз бўйлаб Соҳибқирон Амир Темурнинг 670 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган тадбирлар кенг қулоч ёймоқда.

Нафис апрель оқшомларидан бирида пойтахтимиздаги Талабалар шаҳарчасида "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган, Соҳибқирон Амир Темурнинг 670 йиллик юбилейига бағишлаб "Аждодлар хотираси — буюк келажак пойдевори" деб номланган адабий-мусиқий кечада талабалар жамғарма фаоллари, темуршунос олим ва ёзувчилар, шоирлар суҳбати, ижодидан баҳраманд бўлдилар.

Жамғарма раиси Амирқул Каримов буюк соҳибқирон ибрати, унинг миллат тараққиётидаги ўрни, даҳо қолдирган мерос, қадриятлар аҳамияти ҳақида сўзлади. Таниқли публицист Ҳаким Саттарий темуршуносликда янги қадам деб баҳоланаётган, яқинда чоп этилган ўзининг "Ҳазрат Соҳибқирон" китоби тўғрисида талабаларга маълумот берди. Шоир Бобур Бобомурод, Абдулкарим Баҳриддин ва бошқаларнинг Ватан, миллий қадриятлар ва аждодларимиз хотирасига бағишланган шеърлари, жамғарма қошида фаолият юритувчи таниқли хонанда Абдурашид Исоқов раҳбарлигидаги "Мунажот" дастаси ҳофиз ва раққосаларининг қўшиқ ва рақслари талабалар олқишига сазовор бўлди.

"Мерос-ньюс" ахборот хизмати

Х.Содиқов мавзуси асосида А.Ҳакимов чизган сурат

Танлов

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЎНИНЧИ БОРА...

Бу галги анъанавий япон тили нотиқлик санъати танловига Тошкент мезбонлик қилди. Халқаро ҳамкорлик маркази биносида бўлиб ўтган конкурсда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Республикамиздан жами йигирма нафар талаба нотиқлик маҳоратини кўрсатишди. Анъанавий танлов тарихида иштирокчи давлатлар сафига Тожикистоннинг ҳам қўшилиши ўзига хос янгилик бўлди (Икки нафвар вакили қатнашди).

Ўзлари танлаган мавзуда беш минутлик нутқ ва саволжавоб шартлари асосида синаб кўрилган нотиқлар орасидан энг истеъдодлиларини танлаб олиш ҳакамлар ҳайъати учун ҳам осон кечмади, чамамда. Ваниҳоят натижалар эълон қилинди. Риштон туманидаги "Норико Гаккю" талабаси Асрор Мўминов энг яхши нотиқ деб топилди. Иккинчи ўрин эса Тошкент Давлат шарқшунослик институти талабаси Умид Ортиқовга насиб этди. Танловнинг МДҲ босқичига йўлланма олган учинчи қатнашчи Асет Жабыкбоев бўлди (Форобий номидаги Қозоғистон Миллий университети). Шундай қилиб, совринли олти ўриндан тўрттаси ўзбекистонлик талабаларга, иккитаси Қозоғистон вакиллари ҳиссасига тўғри келди: 4-ўрин — Асел Султанов (Қозоғистон Давлат халқаро алоқалар ва жаҳон тиллари университети), 5-ўрин — Гулноза Қурбонова (Самарқанд Давлат чет тиллар институти), 6-ўрин — Севара Акбарова (Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети). Еттинчи махсус ўринга Тожикистон Давлат тиллар институти толиби Жаҳонгир Шодиев лойиқ кўрилди.

— Бу йилги нутқларнинг аксари анъанавий мавзулардан кескин фарқ қилиши сарлавҳалардан ҳам кўриниб турибди, — дейди ЎзДЖТУ япон тили ўқитувчиси Маҳфуза Тоирова. — Яна шуни айтиб ўтиш керакки, иштирокчилар орасида оддий баённчилик услубидан чиқиб кетолмаганлари ҳам йўқ эмас. Лекин кўпгина нотиқларда ҳар томонлама мушоҳидавий ёндошиш, мавзуни бадиий идрок этишга ҳаракат яққол сезилади.

Фаррух ЖАББОРОВ

Тақдимот

ИНТЕРПОЛ ҲАҚИДА КИТОБ

Миллий матбуот марказида Тошкент давлат юридик институти 3-босқич талабаси Отабек Мирзаевнинг "Интерпол" китоби тақдимоти бўлиб ўтди.

Ушбу адабиёт бу мавзуда ўзбек тилида илк бора нашр этилаётгани билан ҳам катта аҳамиятга эга. Уни тайёрлашда муаллиф бир қатор манбаларга мурожаат қилди. Айниқса, бу борада штаб квартираси Франциянинг Лион шаҳрида жойлашган Интерполнинг Бош котибияти веб сайти, рус олимларининг қатор тадқиқот ишлари ва жаҳондаги энг нуфузли университетларнинг ҳуқуқшунослик факультетлари битирувчи курс талабаларининг илмий ишларидан самарали фойдаланилди.

Нашрда ташкилотнинг ташкил топиши, унинг бугунги кунимизгача бўлган даврдаги тарихи, фаолият йўналишлари, ривожланишининг назарий ва амалий муаммолари қамраб олинган.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Интерпол-Халқаро полиция ташкилотига 1994 йил 28 сентябрда тўла аъзо бўлиб кирган эди. Ўтган давр мобайнида ташкилотнинг республикамиздаги Миллий Марказий бюроси жиноятчиликка қарши кураш борасида қатор ютуқларни қўлга киритди. Шунингдек, бюро мутахассис ва мутасаддилари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш асосида эришилаётган натижаларни аҳолига мунтазам етказиб ҳам бераётир.

МУХБИРИМИЗ

Нашр

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг нашри «Ўзбекистон мутбуоти» журналининг навбатдаги сони босмадан чиқди. Ундан кўплаб қизқарли мақолалар ўрин олган.

ҚАЛАМКАШЛАР ҲАМРОҲИ

КАМОЛОТ МЕЗОНИ

Китоб — олам ва одамнинг ҳарфлар, маъноларда, шаклларда абадий акс этган қиёфасидир. У инсон учун нондай азиз, ҳаётнинг ўзидек муқаддас бойлик. Китоб расталарида тахланиб ётган китобларни ва унинг ёнидан бепарво ўтиб кетаётган одамларни кўриб ачиниш мумкин, холос. Шундай экан, баъзан ўйлаб қоласан: нега кўпинча кутубхоналарнинг ўқув заллари гавжум эмас, нега музейларда оламшумул санъат асарларини чуқур таҳлил этаётган ёшларни, консерватория залини тўлдириб, бир дунё мусиқий оҳангларга шўнғиган ёшларни кўрмаймиз? Нега, театр деб аталмиш мўъжизадан ёшларимиз бебаҳра қолиши керак? Нега? Нега?

Жуманиёз ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

ЖУРНАЛИСТ — ШАХС!

Мамлакатимиз Президенти "Фидокор" газетаси мухбирининг саволларига берган жавобларида кишиларимизда комиллик сари интилишнинг муҳим омилларидан бири "дунё тан олган кўп улуғ файласуфларнинг асарлари"ни мутолаа қилиш эканлигини таъкидлайди. Жумладан, Сократ, Платон, Ницше, Фрейд, Бердяев сингари нодир заковат соҳиблари номларини санаб ўтади. Бундай маънавий меросдан баҳраманд лик бевосита журналистлик маҳоратини оширишда ҳам жуда-жуда асқотади. Зеро, салмоқли фикр айта олиш учун ҳам салмоқли фикр чашмаларидан баҳраманд бўлиш зарур. Мисол учун атоқли рус донишманди Н. Бердяев мақолаларидан бирида "бугунги кун таассуротларининг шиддати" деган жумлани қўллайди ва халқни "кутиш кайфиятидан яратиш кайфиятига ўтишга, тубан хавотирвозликдан маънавий яратувчанликка" даъват этгани бизнинг ҳозирги ҳолатимизга дахлдор дейиш мумкин.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Вилоятда чўл заминида тобланиб, табиат қийинчиликларига бардош бериб меҳнат қилаётган ажойиб деҳқон, фермер, миришкор чорвадор ва тадбиркорлар жуда кўп. Улар ҳақида — бугуннинг, мустақил Ватанимизнинг қаҳрамонлари, орамиздаги одамларнинг ҳалол меҳнати, эришган ютуқларини тараннум этувчи очерклар савияси қандай? Муаллифнинг маҳоратичи?

Журналист Келдиёр Жўрақуловнинг турли касб эгалари ҳақида ёзган очерклари тез-тез кўзга ташланади. Унинг "Мақсадга айланган ҳавас" (2005 йил, 7 март) номли очерки шулар жумласидандир. Очерк қаҳрамони Ойбек Қўнишев Арнасой туманидаги қатор фермер хўжаликлари раҳбари. Унинг оддий сувчиликдан тортиб, то фермер хўжалиги раҳбарлигигача бўлган ҳаёт йўли, иш тажрибалари, тадбиркорлик хусусиятлари муаллиф томонидан очиб берилгани эътиборли.

Юсуф ҲАМДАМОВ,
филология фанлари номзоди

ҲОЗИРЖАВОБЛИК ҲИССИ

Таҳририятимизга фуқаролардан турли мавзудаги хатлар қатори шикоят хатлари ҳам келади. Ҳар бир хат ортида, инсон, унинг тақдири борлигини инобатга олган ҳолда улар мутасадди идоралар билан ҳамкорликда жиддий ўрганиб чиқилади, зарур ёрдам, тавсия ва маслаҳатлар берилади.

Газетани ҳар кунги саҳифалаш ва чоп этиш жараёни — чинакам ижод маҳсули. Таҳририят жамоасининг аксариятини ёшлар ташкил этади. Бирор ютуққа эришган бўлсак, у ўзимизники, бироқ камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Шу сабабли бир дақиқа бўлса ҳам ижод ва изланишлардан тўхтаганимиз йўқ.

Режаларимиз бисёр, бажарадиган ишларимизнинг кўлами катта. Булар юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг фаровонлиги ва тараққиёти учун ҳисса қўшишдек эзгу мақсадга қаратилган.

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ,
"Адолат" газетаси бош муҳаррири

4000 ПАТЕНТИ БОР ОЛИМ

"Нью-Йорк таймс" газетасида 1923 йилда шундай хабар ёзилганди: "Шундай бир инсон мияси борки, у ғоят қиммат туради, яъни савдо-молия ва саноат оламида бу миянинг баҳоси 15 миллиард доллар! Ҳа-ҳа, миллион эмас, миллиард доллар! Бу миянинг эгаси — Томас Альва Эдисондир!"

Илҳом СУЛТОНОВ
таржимаси

Ўзлигини англаб етиб Mustaqil gazeta HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 41-49-91, Тел: 135-39-01, 41-52-72

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Раҳмон ҚЎЧҚОР, Шерзод ҒУЛОМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Газетада чоп этилган мақолалардаги фактлар учун муаллиф жавобгар

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Ислом СУЛТОНОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 655
Т: 3241
1 2 3 4 5 6

® — тижорат белгиси.

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.